



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# ПОСТДА

Газета 1930 йил 12 майдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри 2002 йил 24 октябрь, пайшанба • 43 (3467)-сон



Суратда: Юнусобод тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция майори Абдумардон Ғаниев (чапдан ўнгга), милиция майори Ҳамидулло Ваҳобов ҳамда милиция кичик сержанти Бахтбой Данабаевлар билан иш кунини режалаштирмоқда.

А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.

## ИИБ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳайъатининг навбатдаги мажлисида республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Савдо шохобчаларининг ҳолатини аниқлаш борасида комиссия тузиш ҳақида”ги Фармойиши талаблари Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари томонидан қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов олиб борди ва маъруза қилди. Маърузада муҳокама этилаётган масалалар бўйича ИИБ бўлинмалари фаолиятига атрофлича баҳо берилди, ушбу кенг миқёсли ишни такомиллаштириш чора-тадбирлари айтиб ўтилди. Мажлисида қатнашаётган Бош бошқармалар, бошқармалар ва мустақил бўлимлар раҳбарларининг диққат эътибори келгусида жамоат тузилмалари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва фаоллаштириш, ушбу ҳамкорликни янги мазмун билан бойитишга қаратилди. Хусусан, милиция таянч пунктлари барпо этилаётганда бу ерда ходимлар, шу билан бирга аҳоли, энг муҳими ёшларни фаол турмуш тарзига жалб этиш мақсадида спорт майдончалари бўлишига эришиш зарурлиги таъкидланди.

Ўз мухбиримиз.

## ХИЗМАТ ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАВЕРАДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бирлашмаси бўлинмаларида давлат ва халқ мулкани кўз қорачигидек асраш, хизматда синалган ўсул ва услубларни қўллаш, замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланиш борасида бор имкониятлар ишга солинапти. Ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ушбу соҳада ҳам талайгина ўзгаришлар қилинди. Айни пайтда объектларни қўриқлашдек масъулиятли вазифага жалб этилган ходимлар ушбу хизмат ташкил этилган кунни нишонлашга қизгин тайёргарлик кўришяпти. Айём арафасида бирлашма бошлиғи, милиция полковниги Азамат ЮСУПОВга бир нечта савол билан мурожаат қилдик.

— Азамат Нигматович, сиз билан ўзингиз раҳбарлик қилаётган соҳа, унинг бугуни ва эртанги кунини ҳақида суҳбатлашсак.

— Яхши. Агар тарихга назар солсак, бизнинг хизмат жуда узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳар қандай моддий бойлик яратилгани ҳамон биринчи навбатда уни қўриқлаш, жинойий та-

жовузлардан ҳимоя қилиш масаласи кўндаланг туради. Ҳозирда қўриқлаш хизматининг ички ишлар идоралари тизимида алоҳида бир тармоқ сифатида юзага келган кун тарихида нишонлаймиз.

Ўтган давр ичида мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир этилганига

(Давоми 4-бетда).

### Шу сонга хабар

## ЗАМОНАВИЙ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги Бобур номи маҳаллада замонавий милиция таянч пункти ишга тушди. Бу ерда профилактик ишлар олиб бориш учун барча қулайликлар яратилган. Янги бинода шунингдек, ўсмирлар спорт маркази ҳам фаолият юрита бошлади.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, милиция полковниги Ф. Қодиров иштирок этди. Республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг топшириғига биноан ИИБ ЖООББ бошлиғи, милиция полковниги А. Усмонов милиция таянч пунктига “Тико” автомобиллини тақдим этди.

Ўз мухбиримиз.

### ОБУНА — 2003

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Постда”, “На посту” газеталари ҳамда “Qalqon” ва “Щит” журналларига 2003 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда. Обуна “Матбуот тарқатувчи” ОТАЖ орқали ҳамда барча алоқа бўлимларида амалга оширилади.

Жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи хотиралари, суд очеркларига қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газеталаримиз саҳифаларида мамлакатимиз ва дунё спорт янгилıkları, теледастурлар, мунажжимлар башорати билан ҳам мунтазам танишиб борасиз. Кроссворд, сканворд ишқибозлари учун алоҳида саҳифаларимиз бор. “Саломатлик”, “Ниҳол” каби рукнларимиз остида бериладиган мақолалар сизни бефарқ қолдирмайди деб уйлаймиз.

КЕЙИН АФСУСЛАНМАЙ ДЕСАНГИЗ, ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИМИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ.



### ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«ПОСТДА» — 180 (366) «НА ПОСТУ» — 169 (367)  
«QALQON» — 970 (1083) «ЩИТ» — 971 (1084)

### Огоҳлик

## ТЕРРОР МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИ

Яқинда Гамбург шаҳрида ўтган йилги 11 сентябрь фожиаларини амалга оширишда террорчиларга ёрдам беришда айбланаётган Мунир ал-Мутасиддиқ устидан суд жараёни бошланди. Терговда аниқланишича, марокашлик 28 яшар бу йигит Германиядаги террорчилар уюшмасининг аъзоси бўлган.

Террор балоси ҳамон одамларни ташвишга соляпти. Ҳафта бошида Исроил шимолида йўловчи автобусда ўзини портлатиб юборган камикадзе 14 кишининг ўлимига сабаб бўлди.

Мелбурнда ҳам даҳшатли воқеа рўй берди. Бир неча тўппонча билан қуролланган кимса университет шаҳарчасида тўсатдан ҳар қаёққа ўқ уза бошлади. Натижада икки киши ҳалок бўлди, ўнга яқин одам жароҳатланди.

Кўриб турганингиздек, террор миллат танламайди. У бутун инсониятга, тинч ҳаётга қарши. Шундай экан, терроризм иллатига қарши ҳаммамиз бирлашиб курашишимиз зарур. Оддий одамлар орасида ахборот алмашувни, улар билан ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида ҳамкорликни янада яхшилаш керак. Шубҳали кимсалар ҳақида одамлар дарҳол тегишли жойга хабар беришса, содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олди олинади. Демак инсоният ҳеч қачон ҳушёрликини йўқотмаслиги лозим.

**УЧИНЧИ** «Postda» gazetasi ning ilovasi  
TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI  
**TV O'ZLAM**

**Вилоятимизда кўп йиллар давомида жиноятларнинг қисқаришига эришиляпти. Ушбу анъана 2002 йилда ҳам сақланиб қолди. Нафақат безорилик, балки жиноятнинг айрим оғир турлари ҳам кам содир этилгани фикримизнинг далилидир.**

Жиноятчиликка қарши кураш бўйича асосий йўналишларни белгилаб олишимизда вилоятдаги тезкор вазият чуқур таҳлил этилаётгани кўл келаяпти. Хуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини мунтазам ўрганиб бораёмиз. Зеро, жиноят оқибатларини тугатгандан унинг олдини олиш афзалдир. Шу мақсадда кўплаб муаммоларни ҳал этишга қаратилган турли хил профилактик тадбирлар ўтказилаяпти. Масалан, "Антитеррор", "Арсенал", "Қорадори", "Тозалаш", "Тун" тадбирлари шулар жумласидандир.

# ТАҲЛИЛГА АСОСЛАНГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Вилоятимиз кўшни Қирғизистон республикаси билан 390 км. масофада чегаралош эканлиги ички ишлар идоралари ходимларининг ўзига хос фаолият юритишини тақозо этади. Улар зиммасига республика ташқарисига товар-моддий бойликлари, гиёҳвандлик моддалари, ўқ отар қурол, диний-экстремистик оқимга мансуб адабиётлар ва бошқа нарсаларни олиб ўтиш ёки транзит тарзда ўтказилишига йўл қўймаслик вазифаси юклатилган.

Жиноятлар, айниқса унинг оғир турларини фож этиш яшиланмоқда. Ёзда Улуғнор тумани Мингчинор қишлоғидан

оқиб ўтувчи каналдан боши йўқ жасад топилди. Дарҳол тезкортергов гуруҳи туздиқ. Тезкор тадбирлар натижасида ҳалок бўлган кишининг шахси аниқланди. У Наманган шаҳрида яшовчи фуқаро экан. Қотилни излаб топишга ходимларимиз наманганлик ҳамкасблари билан бирга киришишди. Кўп вақт ўтмай кўшни вилоятда яшовчи икки киши жиноят содир этишда гумонланиб ушланди. Улар ўз қилмишларига иқдор бўлишди. Ушбу жиноятнинг қисқа вақт ичида очилиши учун жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бўлим бошлиғи

Х. Муҳамедов, катта тезкор вакил Б. Қосимов, катта профилактика инспектори А. Ёдгоров, Улуғнор тумани ИИБ тезкор вакили К. Исмонов ва бошқалар бор куч-ғайратларини ишга солдилар.

Раҳбарият профилактика инспекторлари касб маҳоратини ошириш, уларга янги иш усул ва услубларини ўргатиш каби масалаларга алоҳида эътибор бермоқда. Ишга қабул қилинаётган ёш милиция ходимлари ўқув марказида уч ойлик бошланғич тайёргарликдан ўтишади.

Жорий йилда кинология хизматини ривожлантириш учун талайгина ишлар қилинди. Бошқарма хизмат итлари питомниги яқинда янги бинога кўчиб ўтди. Қисқа вақт ичида ёзги ва қишки вольерлар, ошхона, вақтинча сақлаш хонаси, машқлар майдончаси қуриб битказилди, ўқув стендлари жиҳозланди. Тажрибали кинологлар хизмат итларини патруль-пост ва қорувлик хизматлари олиб боришга тайёрлашаёпти, шунингдек гиёҳвандлик ва портловчи моддаларни излаб топишга ўргатмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, милиция ходимлари қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши, маҳсулотларнинг



нобуд бўлиши ва талон-тороқ қилинишига қарши курашишда ҳам фаол иштирок этишаёпти. Аҳоли ўртасида доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилди, экин майдонларини назорат қилиш йўлга қўйилди. Биз бу билан ҳосил ўз вақтида ва талафотсиз йиғиштириб олинишига муносиб ҳисса қўшаётганимиздан фخرланамиз.

Бошқармаимизда ўтган вақт давомида амалга оширилган ишларни таҳлил қилишда эришилган натижаларга танқидий ёндошиш одат тусига кирган. Йўл қўйилган камчиликлар атрофлича кўриб чиқилиб, келгусида уларни қайтармаслик чоралари белгиланади. Таҳлилларга таяниб ютқазмаяёмиз.

Умуман эса вилоят ички ишлар идоралари жамоалари бугунги кунда милиция ходимларига қўйилаётган талабларни чуқур ҳис қилган ҳолда ишлай олишларини исботлашди.

**Д. ОКМИРЗАЕВ,**  
вилоят ИИБ бошлиғи,  
милиция полковниги.



## ЁШЛАРГА ИШОНЧ БИЛДИРИБ

**Вилоят ИИБ раҳбарияти ёш ходимларни тарбиялаш ва хизматга тайёрлашга алоҳида эътибор бераёпти. Ички ишлар идорасига ишга қабул қилинган ёшлар ўқув марказида бошланғич тайёргарликдан ўтишмоқда.**

Ўқув маркази 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, ўша кезлари шароит етарли эмас эди. Кейинчалик Асака шаҳри ҳокимлиги ИИБ ихтиёрига Асака ёғ заводининг хувиллаб ётган профилакторийсини берди. Ташландиқ ҳолатга келиб қолган бино қисқа муддатда ҳашар йўли билан таъмирланди. Замонавий мебель, ўқув қўлланмалари олинди. Айни пайтда ўқув марказида кенг ва ёруғ ўқув хоналари, ошхона, тиббиёт шохобчаси, ётоқхоналар, спорт майдончаси мавжуд.

Бу таълим масканида тажрибали муаллимлар криминалистика асослари, йўл ҳаракати қоидалари, ҳуқуқшунослик, тиббий тайёргарлик бўйича сабоқ берадилар. Шунингдек, тингловчиларга латин алифбосида ҳужжатларни юритиш ўргатилади.

Ўқув жараёнида мерганлик, саф ва жисмоний тайёргарликка катта эътибор берилаяпти. Шу бонс тингловчилар кўл жанги, хизмат қуролидан фойдаланиш сирларини пухта эгалламоқдалар.

Уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, етук инсонлар бўлиб камол топишини таъминлаш мақсадида маърифат хонасида турли маърифий тадбирлар ташкил этилаёпти. Бу ердан давлатимиз раҳбарининг асарлари, мустақил юртимиз-

да рўй бераётган ўзгаришлар акс эттирилган суратлар, жонажон ўлка тарихи, буюк аждодларимиз ҳаётига оид материаллар ўрин олган.

— Ўқув маркази очилгандан буён, — дейди вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги М. Шамшидинов, — 1600 нафардан ортиқ ёш ходимлар таълим-тарбия олиб, тажриба ортиришди. Анъанага кўра битирувчилар қасамёд қабул қиладиган кун уларнинг ота-оналари, яқинлари таклиф этилади. Шу кунни уларга бу ерда яратилган шароитлар, ўқув хоналари, музейни фахр билан кўрсатишади, муаллимлар билан таништиришади. Қасамёд қабул қилгач эса кўл жанги, хизмат қуролидан фойдаланиш ва санъат бобида маҳоратларини намойиш этадилар.

Курсантлар ҳузурига уруш ва ички ишлар идоралари ходимларининг ташриф буюриши анъанага айланган. Бир пиёла чой устидаги дилкаш суҳбатлар чоғида улар ёшларга ўзлари ва Андижон милицияси тарихи ҳақида гапириб берадилар.

Мазкур ўқув даргоҳида дастлабки тайёргарликдан ўтган кўплаб милиция ходимлари муносиб ҳуқуқ-тартибот посбони эканликларини амалда исботлашди.

**Б. КЛЕЙМАН** суҳбатлашди.

Андижон милициясининг бир гуруҳ фахрийлари уруш пайтида ва хизмат бурчини ўтаётганда ҳалок бўлган милиция ходимлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишмоқда.



**Ички ишлар бошқармаси бошлиғи номига Андижон вилояти оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси А. Солиевдан миннатдорчилик мактуби келди.**

Хатда ёзилишича, Фарғона водийси футбол жамоалари ўртасида ўтказилган турнирда "Ёшлик" ўсмирлар жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, республика мусобақасига бериладиган йўлланмани кўлга киритган. Ушбу беллашувда эса футболчилар

## ФИДОЙИЛИК УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

иккинчи ўринни эгаллашган. Тошкентда бўлиб ўтган мусобақага спортчиларни Андижон вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ИПХ катта инспектори, милиция капитани З. Содиқов ва ИПХ инспектори, милиция сержанти О. Раҳимовлар кузатиб боришган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан сафар муваффақиятли, бирор кўнгилсиз ҳодисасиз яқунланган.

Мактуб ниҳоясида А. Солиев бошқарма бошлиғидан юқорида исм-шарифлари зикр этилган ходимларга кўрсатган фидойиликларини учун миннатдорчилик изҳор этишни илтимос қилган.

Ўз навбатида вилоят оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси милиция капитани З. Содиқов ҳамда милиция сержанти О. Раҳимовни Фахрий ёрлик билан тақдирлаган.

**О. ЙЎЛДОШЕВ,**  
милиция подполковниги.

Ушбу саҳифа материалларини **Б. КЛЕЙМАН** тайёрлади.

## ҒАЙРАТ КАМАРИНИ БОҒЛАБ...

Қашқадарё вилояти ИИБ фахрийларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази ташаббус кўрсатди. У жойларда фахрийларни пахта йиғим-теримига жалб этиш юзасидан мурожаат қабул қилди. Мурожаатга жавобан турли туманларда яшовчи кексалардан Б. Туропов, В. Ашуров, А. Умаров ва бошқалар оила аъзолари билан қунига 150-200 килограмм пахта териби, улкан хирмонга улуш қўшмоқдалар.

Китоб туманида яшовчи Бахтиёр Турдиев ҳам узоқ йиллар эл осойишталиги йўлида хизмат қилган. У ўзи яшаётган хўжаликдан ижарага олган бир гектар ерга оила аъзолари билан пахта экиб, деҳқончилик қилмоқда. Ҳозирга қадар улар уйган хирмон икки тоннадан ошиб кетди.

**М. Жўраев,**  
истеъфодаги ички  
хизмат полковниги.



Қасби тумани ИИБ фахрийси, истеъфодаги милиция катта сержанти Рашид Сиддиқов тадбиркорлик билан шуғулланиш учун «Пахтакор» жамоа ширкат хўжалиги даласидан 5 гектар ер олиб, чизит қадади. Ҳозирда олти кишидан иборат оилавий пудрат аъзолари йиллик режани удалашди. Пахта йиғим-терими давом этапти.

Суратда: Р. Сиддиқов оила аъзолари билан.

О. ПРИМОВ олган сурат.

Олтин қуз ўз саховатини дариг тутмаётган шу кунларда республикамиз пахта далаларида йиғим-терим авжида. Миришкор деҳқонларимиз ганимат дамлардан унумли фойдаланиб, етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун бор куч-ғайратларини ишга солишяпти. Уларга камарбаста бўлаётган ички ишлар ходимлари эса ҳашарчиларнинг вақтинча яшаш жойларида жамоат тартибини сақлаш, пахтанинг талон-торож қилиниши, экин майдонларининг пайҳон қилинишига йўл қўймаслик каби вазифаларни сидқидилдан бажаришяпти.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тезкор штабидан олинган маълумотга кўра мавсум бошидан буён пахта ни ўғирлаш ёки ўзлаштириш бўйича 152 та ҳолат аниқланиб, 113 нафар айбдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилган. Уларга 1.159.671 сўм миқдорда жарима солинган. 17 та ҳолат бўйича эса жиноят иши кўзга ташланган. Ташмачилардан 15.783,5 кило пахта олиниб, давлат хирмониға топширилган. Масалан, Мирзачўл

## ДАМЛАРНИ ҒАНИМАТ БИЛИБ

тумани Улугбек кўчасида яшовчи Ю. Ербол 250 кило пахта ни яширинча Республикадан ташқари олиб ўтаётганида милиция ходимлари томонидан ушланган. Сирдарё тумани «Малик» ширкат уюшмасида яшовчи ва ишловчи Қ. Бахтиёр эса О. Каттабеков оилавий пудрати даласидан 111 кило пахта ни яширинча олиб кетаётганида ҳушёр посбонлар қўлга олишган. Туман суди унга 13500 сўм миқдорда жарима солинган.

Ички ишлар идоралари ходимлари пахтазорнинг пайҳон қилинишига қарши курашни ҳам бўшаштиришмаяпти. Пайҳон бўйича 1400 та ҳолат аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан 5035760 сўм жарима солинган. 107та майда ва йирик моллар сўйилиб, кам таъминланган оилалар, болалар боғчалари, ҳашарчилар, меҳрибонлик уйларига тарқатилган. Мавсум пайтида йўл-

ларда автотранспортлар ҳаракатини назорат қилиш, йўл ҳаракатининг бузилишига олиш муҳимдир. Буни яхши англаган ИПХ ходимлари сергакликни оширишяпти. Бунинг натижасида 71та турли хил қоидабузарликлар аниқланган. Носоз транспорт воситаларидан фойдаланиш, теримчи ва ишчиларни жиҳозланмаган транспорт воситаларида пахта далаларига ташиш каби ҳолатлар шулар жумласидандир. Аниқланган қоидабузарликлар юзасидан 56 ҳайдовчига маъмурий баённомалар тузилган. Булардан ташқари йиғим-терим пайтида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган 44 нафар масъул шахс, ишчи ва хизматчиларга ҳам жарима солинган.

Мавсумни самарали ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

## Тил миллатнинг улкан бойлиги

### «ТИЛ ТАҚДИРИ — МИЛЛАТ ТАҚДИРИ»

Сурхондарё вилояти ИИБда ўтказилган навбатдаги Маърифат дарсида Термиз Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори Ж. Омонтурдиев иштирок этди. У «Тил тақдири — миллат тақдири» мавзусида маъруза қилиб, ўзбек тилининг тарихи, ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида гапирди. Шундан сўнг йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Маърифат дарсида бошқарма бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги И. Қолқонов сўзга чиқиб, маърузадан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталди.

Ўз мухбиримиз.

### БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБда бўлиб ўтган навбатдаги Маърифат дарси ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 13 йил тўлишига бағишланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Министрлар Кенгеси қошидаги республика Терминология кўмитаси бошлиғи, филология фанлари доктори, профессор Есемурот Бердимуротов қатнашди. У ўзбек тилининг тарихий келиб чиқиш манбалари ва унга давлат тили мақоми берилишининг аҳамияти ҳақида гапирди. Сўнг олим йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Тадбир сўнггида тил байрами муносабати билан концерт дастури намойиш этилди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

### КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ — ЖОЙЛАРДА

Фарғона вилояти ИИБда ўтказилган тил байрамини бошқарма бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Абдуллаев кириш сўзи билан очди. Фарғона Давлат университети доценти, филология фанлари номзоди Х. Шарофиддинов маъруза қилди.

Шуни айтиш жоизки, бошқармада «Давлат тили тўғрисида»ги қонун ижроси-

ни назорат қилиш мақсадида махсус комиссия тузилган бўлиб, комиссия аъзолари жойларда олиб борилаётган ишларни ўрганиб, мавжуд камчиликларни бартараф этишмоқда. Бу эса ўз самарасини берапти.

Бошқармада ташкил этилган тил байрами ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар деб бочасидир. Милиция лейте-

нанти Тохиржон Шокиров раҳбарлигидаги санъаткорлар гуруҳи ҳамда «Фантазия» рақс дастасининг чиқишлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги А. Тохтужаев иштирок этди.

Б. ОМОНЗОДА.

### ЭЪТИБОР КАТТА

Тошкент вилояти ички ишлар идораларида ҳужжатларни юритишда давлат тилига ўтиш, лотин алифбосидаги ўзбек ёзувини қўллашга катта эътибор берилляпти. Кўргазмалар воситалар, деворий газета, тарғибот, ташвиқот варақалари лотин ёзувида битилляпти. Бироқ давлат тили ҳақидаги қонунни бажаришда яна талай ишларни амалга ошириш лозим. Вилоят ИИБ мажлислар залида ўтган навбатдаги Маърифат дарсида ана шулар

ҳақида фикр юритилди. «Она тилим — Ватаним рамзи» мавзусида ўтган машғулотида республика Маънавият ва маърифат маркази аъзоси, М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини журналистика факультетининг доценти, филология фанлари номзоди Н. Фафоров қизиқарли маъруза қилиб, тилнинг аҳамияти ва жамиятдаги ўрни ҳақида атрафлича гапирди.

Р. ПИРМАТОВ.

Шу йил 19-20 октябрь кунлари ички хизмат подполковниги М. Абдуллаев раҳбарлик қилаётган муассасада республика ИИБ жазони ижро этиш тизими фаолиятининг 9 ойлик якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров очди.

### ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Сўнг республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ҳ. Ибрагимов сўз олиб, ЖИЭББ тизимидаги ходимларнинг моддий-техник таъминоти борасида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталди. У, шунингдек, жазони ижро этиш муассасалари билан вазириликнинг капитал қурилиш, хўжалик ва бошқа бошқармалари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирди.

Кун тартибидеги асосий масала бўйича Р. Қодиров маъруза қилди. Йиғилишда ЖИЭБ-

Бнинг соҳавий бошқармалари ва хизматлари раҳбарлари ўз йўналишлари бўйича сўзга чиқдилар. Кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик ишлари муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Тадбирнинг иккинчи куни қатнашчилар М. Абдуллаев етакчилиги қилаётган жазони ижро этиш муассасасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳкумларга яратилган маданий-маиший шарт-шароит, ходимлар учун қуриб битказилган спорт мажмуаси билан танишдилар.

Ўз мухбиримиз.

### МУСТАҚИЛЛИК ЗИЁСИ

Жазони ижро этиш Бош бошқармасига қарашли бир қатор муассасаларда «Ижод-2002» театрлаштирилган кўрик-танлов ўтказилди.

Тадбир давомида қатнашчилар томонидан «Ўзбекистон фарзанди — менман», «Меҳнаткашлар куйи», «Она юрт», «Ватаним», «Бирга бўл» каби ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар, турли сахна кўринишлари, маҳкумлар ҳаётинан лавҳалар ижро этилди.

Кўрик-танловининг якунловчи босқичи ички хизмат подполковниги С. Қаландаров раҳбарлик қилаётган жазони ижро этиш муассасасида бўлиб ўтди. Унда иштирок этган республика ИИБ ЖИЭББ бошлигининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги С. Собиров бундай тадбирларнинг маҳкумлар тарбиясида тутган ўрни ҳақида гапирди. Тадбирда муваффақиятли иштирок этган муассасаларнинг бошлиқлари — ички хизмат полковниги С. Худойбердиев, ички хизмат подполковниклари О. Алиқулов, С. Қаландаровларга Бош бошқарма раҳбарияти номидан миннатдорчилик билдирди.

С. АМИНОВА.

Ислохотнинг дадил одимлари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

гувоҳ бўламиз. Дастлаб хизмат оддий қоровуллардан таркиб топган эди. Уша кезлари 5 та мотоцикл ва 49 дона велосипед бўлган. Маълум вақт ўтиши билан кўриқлаш хизматига жиддий ўзгаришлар киритиш гоёси юзага келди. Оддий қоровулларни милиция ходимларига алмаштириш борасида ишлар бошланди. Чирчиқ шаҳрида тажриба тариқасида биринчи кўриқлаш саф милицияси тузилди. Бу тажриба ўзини оқлагани учун кўриқлаш сафлари кенгайиб борди. Худди шу даврда хизматга техника воситалари жалб этилади. Дастлаб Тошкент шаҳрида 133-АТС негизда 200 сизимга мўлжалланган қўлбола маркашлатирилган пулт ишга туширилди. Унга асосан савдо шохобчалари уланган эди. Кейинроқ фуқароларнинг хонадонлари ҳам кўриққа олина бошланди.

— Бугунги кунда республикамизда моддий бойликларни жинойий тажовуздан сақлаш вазифасини бажарётган кўриқлаш тизими ўзида нималарни ифода этади?

— Айтиш жоизки, хизматдаги сифат ўзгаришлари муттасил давом этмоқда. Ҳозирги кунда асосий ургу техника воситаларига берилаяпти. Шунингдек, милиция кўригининг аҳамияти оширилмоқда. Умуман, биз мулкчилик шаклидан қатъи назар барча турдаги моддий бойликларни ўз ҳимоямизга олаверамиз. Бунинг учун хиз-

мат ихтиёрида кераклича малакали мутахассислар, техника ва бошқа зарур асбоб-анжомлар мавжуд.

Айни пайтда кўриқлаш бўлинмалари зиммасига яна бир масъулиятли вазифа — ўта муҳим, давлат аҳамиятига эга бўлган йирик иншоотларни кўриқлаш ва мудофасини таъминлаш юклатилган. Ушбу вазифа ҳам шараф билан уддаланмоқда.

— Кейинги пайтда соҳада амалга оширилаётган ўзгаришлар тўғрисида илқ сўзлар эшитаямиз. Хизматнинг эртанги куни қандай бўлади?

— Ўз ташаббусимиз ва вазирлик раҳбариятининг ёрдами, қўллаб-қувватлаши натижасида қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мақсад — хизматни бозор иқтисоди шароитига мослаштириш ва унинг қонун-қоидаларига тўлиқ жавоб беришини таъминлашдир. Маълумки, кўриқлаш хизмати мулк билан бевосита алоқадор. Мамлакатимизда эса мулкка қарашлар жиддий тарзда ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Ўзгаришлар хусусида сўз борар экан, авваламбор хизмат самарадорлигига эътибор қаратилмоқда. Унинг ишончлилик даражасини ошириш билан бир қаторда, иқтисодий жиҳатдан ҳаммабоп бўлиши таъминланади. Тизимнинг тузилишида жиддий ўзгаришларни амалга оширишни режалаштиряймиз. Ислохотларнинг яна бир йўналиши бу — хизматни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш,

## ХИЗМАТ ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАВЕРАДИ



яъни уни замонавий сигнализация воситалари билан таъминлашдан иборат. Бу эса ўз навбатида тежамкорликка имкон туғдиради, кўрсатилаётган хизмат таннархининг арзонлашишига олиб келади. Шу мақсадда иккита бўлинмамизда радиоқўриқлаш тармоғи синовдан ўтказилмоқда. Шу йил ноябрь ойида бир қатор хорижий мамлакат-

ларнинг вакиллари тақриф этган ҳолда “Хавфсизлик-2002” семинар-кўргазмасини ташкил этишни режалаштиряймиз. Ушбу ҳолат яна бир масалани келтириб чиқаради. Бу хизматдаги таркибий ўзгаришлардир. Асосий вазифалар техника воситалари зиммасига юклатилгач, ўз ўзидан айрим бўлинмаларга нисбатан эҳтиёж

йўқолади. Айни пайтда кўрсатилаётган хизматлар рўйхати ҳам кенгайтириляпти.

— Маълумки, “кўриқлаш” сўзи авваламбор хавфсизлик маъносини ифода этади. Шундай экан, хизмат мулклар дахлсизлиги, хавфсизлигини қай даражада таъминлай олади? Яъни, кўриқлашнинг ишончлилик даражаси қандай?

— Худди ўғриликларнинг лимити бўлмаганидек, кўриқлашнинг ишончлилик даражаси ҳам белгилаб қўйилмаган. Биз учун кўриқдаги объект ёки хонадонда содир этилган ҳар қандай ўғрилик ҳолати фавқулодда ҳодиса ҳисобланади. Сиз хавфсизлик тўғрисида гапирдингиз. Бутун дунёда терроризм балоси кескинлашиб бораётган бугунги кунда бизнинг хизмат зиммасидаги масъулият ўн чандон ошиб кетди. Чунки республикамизнинг кўплаб ўта муҳим, ҳаётий аҳамиятга эга объектлари бизнинг ҳимоямиз остида.

— Янги асрнинг иккинчи йили сизлар учун қандай кечмоқда?

— Умуман олганда ёмон эмас. Ушбу йил хизматимиз учун яхлит ўзгаришлар даври бўлмоқда. Янаям тўғрироғи, бу йил кўриқлаш хизматида амалга оширилиши лозим бўлган туб ислохотларнинг пойдевори қўйилаяпти. Асосий

эътибор хизматимизга нисбатан айрим фуқароларни улар онгига ўрнашиб қолган эски, салбий қарашлардан фориғ этиш, бир қатор бўлинмаларнинг таркибий тузилишини ўзгартириш, хизматнинг техника сиёсатида жиддий ўзгаришлар яшаш, ҳуқуқий базасини замон талабларига мос равишда ўзгартиришга қаратиляпти. Шу ўринда яна бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш лозим. Муҳтарам Президентимиз томонидан 2002 йилнинг Қарияларни кадрлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан фахрийларимизни янада эъзозлай бошладик. Ҳеч бир байрам йўқки, уларни йўқлама-сак, ҳолидан хабар олма-сак. Бир неча марта фахрийларимизни дастурхон атрофига йиғиб, учрашувлар ўтказдик. Хизматимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар уларнинг маслаҳатисиз амалга оширилмайди.

— Яқинлашаётган айём арафасида тизимда фаолият кўрсатаётган ходимларга қандай тилакларингиз бор?

— Ўрни келганда барча кўриқлаш ходимлари, фахрийларимизни яқинлашиб келаётган қасб байрами билан самимий му-боракбод этаман. Уларга улкан муваффақиятлар, хотиржамлик ва оилавий бахт тилайман. Хонадонларидан доимо хурсандчилик, тотувлик аримасин.

И. ШОМУРОДОВ  
суҳбатлашди.

## КАСБИГА СОДИҚ ЙИГИТЛАР

**Кўриқланаётган объектга жинойий тажовуз бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар хизмат белгиланган тартибда ўталиши лозим. Бундан ташқари, ички ишлар идораларининг бошқа соҳаларидан фаркли ўларок, кўриқлаш аҳолига, мижозларга хизмат кўрсатади. Бу эса унинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Бунга тўлиқ тушуниб, англаб етаётган мард, жасур йигитлар кўплаб топилади.**

Мисоллар эса талайгина. Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлинмаси милиционерни, милиция катта сержанти Эркинжон Исмоилов объектга тажовуз бўлганда уни қайтариб, жинойятчини қуролсизлантиради ва ИИБ навбатчилик қисмига топширади.

Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлинмаси милиционерни, милиция старшинаси Ҳасанбой Абдуллаев чегара масканида уч ходимни отиб, қочиб келаётган хавфли жинойятчини қўлга олади. Бирок газанда узган ўқ унинг юзига тегиб, жароҳатлайди. Унинг ҳаёти зўрға сақлаб қолинди.

Кўриқлаш хизмати баъзилар ўйлаган даражада беҳавотир эмас. Жинойятчилар билан қутилмаган вазиятда юзма-юз келиш мумкин. Афсуски, бу тўқнашувларнинг фожиаси билан якунланиш ҳоллари ҳам мавжуд.

Учқудуқ шаҳар ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими милиционерни, милиция сафдори Жўрабек Очилов

байрам тантаналарида жамоат тартибини сақлаш бўйича хизматдан бўшагач, уйига қайтди. Кинотеатр ёнидан ўтиб кетаётганда тўрт-беш нафар маст кишиларнинг ўзаро жанжаллашиб, бақир-чақир қилаётганига гувоҳ бўлди. Улар бу ҳаракатлари билан яқин атрофдаги фуқароларнинг тинчлигини бузишаётган эди. Милиция ходими одоб билан уларни тартибга чақирди.

Бироқ кайфи тароқ кимсалар қонуний талабга бўйсунмай, унга ташландилар. Жўрабекнинг улар билан олишишдан ўзга чораси қолмагани. Кучлар тенг эмасди. Тўқнашув пайтида милиция ходимига оғир тан жароҳати етказилди. Шунга қарамай у ўзининг хизмат бурчиға содиқ қолиб қонунбузарлар билан курашни давом эттирди. Улар қочишга чоғланганда бирини ушлаб олишга улгурди. Аҳволи оғир бўлишига қарамай, хизматдошлари етиб келгунча уни қўйиб юбормади.

Жўрабек зудлик билан касалхонага ётқизилди, бироқ жароҳати жиддий эди. У вафот этди.

1999 йилнинг 16 феввали барчанинг хотирасида. Шу куни террорчилар содир этган ёвузликлар қўллаб хонадонларга қайғу олиб келди. Булар орасида Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими милиционерни, милиция сержанти Нурғали Урмановнинг хонадони ҳам бор.

Нурғали шу куни хизматда эди, у портлашни биринчилардан бўлиб қабул қилди. Ҳаётдан эрта кетган бу йигитдан ёшгина қизалоқ қолди.

Республика Президентининг Фармониға биноан ушбу ходимларнинг барчасига “Жасорат” медали берилган. Биз ана шундай фидойи инсонлар билан ҳар қанча фахрланасак арзийди.

Р. ТУРҒУНОВ,  
милиция майори.



Суратда: милиция сержантлари Н. Икромхўжаев ва К. Мойлибоев.

## МАҚСАДИМИЗ – ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК

— Ишонч бор жойда ҳамкорлик пайдо бўлади. Ҳамкорлик эса тараққиётга йўл очади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлимининг бошлиғи, милиция полковниги А. Абдуллаев. — Истиклол йилларида бошланган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутиши, ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик қилиши бизнинг тизимга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Кўриқланаётган объектларимиз замонавий, ишончли, сифатли ташвишгоҳлар билан таъминланди. Натижа эса ёмон эмас. Хизматимиздан фойдаланишни истаган корхона, ташкилот ва муассасалар сони ошиб бораяпти. Шунингдек, фуқаролар уларини марказий кўриқлаш пульталирига топширмақдалар.

Ходимларимиз томонидан йил бошидан бери жамоат тартибини бузган 3527 фуқарога баённома тузилди, майда ўғрилик содир қилган 1334 фуқаро

ушланиб, давлатга 554,2 минг сўмлик мол-мулк қайтарилди.

Хўжайли тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлинмаси ходими, милиция сержанти Б. Баймуротов туман бозорида 4 бош қорамолни арзон-гаровга сотаётган Мўйноқ туманида яшовчи А. Р.ни гумондор сифатида туман ИИБга олиб келади. Суриштирув давомида унинг Нукус туманилик А. Сейитжановнинг ўлимида қўли борлиги аниқланди.

Тахиятош шаҳар ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлинмаси ходимлари, милиция сержантлари Қиёс ва Мухтор Холмуротовлар Амударё ҳавзаси сув хўжалик бошқармасига тегишли, баҳоси 45000 сўм бўлган электр насосни ўғирлаётган У. Ажиниёзни жинойят ус-тида ушлашди.

Давлат ва халқ мулкани кўриқлаётган қорақалпоғистонлик посбонлар эл ишончини оқлаш учун астойдил хизмат қилишмоқда.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

# UCHINCHI

«Uchinchi»  
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

# TV OLAM

Бу жумбоқ кўпчиликни қизиқтирса керак. Ҳақиқатан ҳам улар ўзаро қандай мулоқотга киришишар экан? Келгиндилар тилини ўрганиб бўладими? Бу ҳақда бирор-бир ёзма манба борми?

Россия газеталаридан бирида Александр Соколов ўзга сайёралик билан мулоқоти ҳақида шундай ёзган эди:

“Унинг овози паст, бир хил оҳангда эди. Гўёки “е” ва “э” ўртасидаги қандайдир товушни чўзиб талаффуз қилганга ўхшарди”.

Волгоград яқинида яшовчи Г. А. Забелин ҳам кўл бўйида балиқ овлаб ўтирганида шунга ўхшаш товушни эшитган. Фақат унга ўзга сайёраликнинг ўзи кўринмаган. Овоз гўёки миясининг ичида эшитилган, ҳар бир сўз беш сонияча чўзиб айтилган. Монолог охирида унга “Тажриба тугади” деган жумла аниқ-тиниқ эшитилган. Бу қандай тажрибаю уни ким ўтказганини Геннадий Андреевич то шу кунгача билмайди. Аммо ўша ҳодисадан сўнг ўтган сўнгги уч йил мобайнида у турли мўъжизаларни бошдан кечирди. Доимо баланд юрадиган қон босими меъёрига келди (ёши 72 га чиққанда!). Баданига металл жисмлар ёпишиб қоладиган бўлди. Энди у узоқдаги ҳар қандай автомобилнинг моторини ўчириб қўйиш қобилиятига эга. Балки ўша кўринмас мавжудотларнинг юқоридаги сирли тажрибалари бунга сабаб бўлгандир?

Америкалик Нэнси Лидернинг айтишича, ўзга сайёраликлар баъзан ўзаро шивирлашиб гаплашишар экан. Бундай суҳбат асосан уларнинг паканалари ўртасида, ўшанда ҳам бу тонфадагилар бирор мавзунини кизгин муҳокама қилишганида юз беради. Бу шивирлашнинг маъносини америкалик аёл тушунмас экан. Келгиндилар ўзаро ҳам, Нэнси билан ҳам асосан телелепатия ёрдамида мулоқот қилишаркан. Бунинг учун аввал унинг миясида жарроҳлик амалларини бажаришганмиш. Ўшандан буён аёл истаган жойида, истаган

вақтида ўзга сайёраликлар билан мулоқотга кириша олар эмиш.

Келгиндиларнинг ўзига хос ёзувга эгалликлари ҳақида ҳам турли-туман гаплар юради. Бизнинг давримизда буларнинг барчаси 1947 йили АҚШда учар ликопча кулаб тушганидан бошланади. Уни кўрганларнинг айтишларича, НУЖнинг бортига рақамга ўхшаган битиклар ёзилган экан. Айрим гувоҳлар, ҳатто ўша ёзувларнинг шакл-шамойилини эслашади ҳам. Фақат бу шакллару белгиларнинг аниқ маъносини тушунтириб бера олишмайди.

Тахминлардан бирига кўра бизга ёзувларни тайёр ҳолда айнан ўзга сайёраликлар келтиришган эмиш. Бу улар Ерга илк бор жонли мавжудотлар-

ни тўплаш, ўрганиш устида ишлайди. У бой коллекция тўплаган. Фақат “экспонатлар”нинг аксарияти ҳамон тадқиқотчига ўз сирларини очгани йўқ.

Матнлар ажабтовур белгилар ёрдамида битилган. Уларнинг маъносини нафақат ерлик “муаллифлар”, ҳатто таниқли матншунос тилшунослар ҳам англай олишмаяпти. Бу ёзувлар сайёрамиз халқлари орасида қўлланиладиган бирор-бир ёзув билан мос тушмаяпти.

Америка журналларидан бирида Питер Паркнинг “Коинот тили” деб номланган қизиқарли мақоласи чоп этилган эди. Унда ўзга сайёраликлар томонидан ўйлаб топилган сунъий тил ҳақида гап боради. У универсал бўлиб, “эйуи” деб ата-

лардан холидир. Бу тил ниҳоятда аниқ бўлиб, ундаги сўзлар фақат бир маънони англатади.

Хўш, ўзга сайёраликлар бу тилда бизга нималар ҳақида хабар берапти, дерсиз. Авваламбор бошқа галактикалар ва сайёралар ҳақида. Суратларга қараганда, сайёраларнинг аксарияти Она-Еримизга озми-кўпми ўхшаш: уларда ҳам қитъалар, денгизлар,



ни олиб келишганида юз берган. Бунинг исботи сифатида қадимий майя қабиласи маданияти ёдгорликларида топилган белгилар, рамзлар ва шунга ўхшаш далиллар келтирилади. Бундан келиб чиқадикки,

келгиндиларнинг тили ерликларникига ўхшаш бўлиши керак.

Баъзи “алоқачи” сайёрадошларимиз психография воситасида ҳам ўзга сайёраликлар ерликлар билан мулоқотга киришини таъкидлашади. Яъни, “меҳмонлар” турли осмоний жисмлар ҳақида ерлик алоқачига маълумот беришади. Алоқачи эса буни ўзи англамаган ҳолда расмлар шаклида қоғозга туширади. Америкалик уфолог Ричард Росс анчадан буён ана шундай суратлар ва матнлар-

лар экан. АҚШда бу тилни Жон Вайльгарт 1960 йилдан буён “муҳаббат ва дунё тили” деб тарғиб қилади.

Унинг айтишича, болалигиданоқ мазкур тилни ўрганган экан. Асли австриялик бўлган бу психиатр ҳозир Айовада яшайди. Вайльгартнинг тасдиқлашича, унга эйуи тилини миттигина яшил гуманоид – самоллик меҳмон ўргатган экан. Бу тил барча онгли мавжудот ўзаро мулоқот қилиши учун қулай, мантиқан тўғри ва рационал эмиш.

Машҳур уфология ташвиқотчиси Брэд Стайгер ҳам бу ҳақда ёзганди. Вайльгартнинг ўзи эса ҳатто бир неча дарслик чоп эттирган. Аммо то ҳозиргача ҳеч ким Жон Вайльгартнинг ўзга сайёралик билан мулоқотга киришганини на тасдиқлай олади, на инкор қила биллади. Питер Паркнинг таъкидлашича, бундай тилни айнан бошқача биологик, руҳий хусусиятларга эга бўлган, ўзига хос эволюцион тараққиёт йўлини босиб ўтган тирик мавжудотларгина яратиши мумкин. Эйуи тилли худди роботлар “тили”га ўхшаш ҳар қандай ҳис-туйғу-

лар ёрлар, тоғлар, кўллар, шаҳарлар бор. Аммо айрим сайёралар антимоддалардан иборат бўларкан. Ҳар бир сайёранинг харитасига сайёралараро кемаларнинг қўниши мўлжалланган космодромларнинг тасвири туширилган.

Расмлар орасида ердагига ўхшаган одамлар яшайдиган осмоний жисмлар тасвирлари бор. Айрим сайёралар юзасида пакана, ҳайвонсифат мавжудотлар яшаши акс эттирилган. Суратларга қараганда, шайтону иблислар ўзига макон қилиб олган сайёралар ҳам бор экан. Айрим келгиндиларнинг шаклу шамойилига қараб, улар бизникидан кўра тараққий топган цивилизация вакиллари эканлиги, бир замон-макондан бошқасига бемалол ўта олишинга ишонгингиз келмайди. Тўғри, расмлар орасида бинойндай келишган (бизнинг назаримизда, албатта), ўзимизга жуда ўхшаш кетадиган, ҳатто чиройли, фариштасифат келгиндилар тасвирланганлари ҳам бор.

Мулоқотга киришганлар-

нинг сўзларига ишонадиган бўлсак, масалан, Унвальтика сайёрасида бўйи икки метрдан ошадиган онгли мавжудотлар истиқомат қилар экан. Улар юксак даражада ривожланган техника ёрдамида яқин атрофларидаги барча цивилизация мавжуд сайёраларга бора олишаркан. Ўзаро телелепатия воситасида мулоқот қилишаркан. Бу ерда тинч-тотувлик ҳукмрон бўлиб, уруш бўлмас экан.

Галактикалар ўртасида меҳнат тақсимоли мавжуд экан. Дейлик, Плеяд юлдузлар туркумига кирувчи бир сайёрада санъат ўта тараққий топган. Бу ерга бошқа сайёралардан эстетик жиҳатдан истеъдодли “киши”лар келиб, кенг ва чуқур гуманитар билимга эга бўлишади. Сўнг улар ўз маконларида санъатнинг ривожланишига ҳисса қўшишади.

Сунъий тарзда яратилган Аламку сайёрасида эса барча галактикалар учун роботлар тайёрланади. Эҳтиёжга қараб коинотда сунъий равишда сайёралараро ва галактикалараро станциялар курилади. Хуллас, ўзга сайёраликларнинг “номлари” синчиклаб ўқилса, бундан бошқа яна кўплаб фаройиб, ҳайратомуз тафсилотлар аён бўлиб бораверади. Аммо кўпчилик олимлар ўзларининг назарларида уйдирмадан бошқа нарса бўлмаган сирли рамзлар ва белгиларни ўқишдек бемаъни машғулотга қимматли вақтларини сарф қилишни исташмайди. Балки, ҳақиқатан ҳам бу “номлар” орқали биздан-да тараққий топган биродарларимиз Ердаги инсониятни турли фалокатлардан огоҳлантираётгандир?! Атроф-муҳитга етказаятган зарарларимизнинг бундан ҳам оғир, келажакда бошимизга ёғиладиган оқибатлари ҳақидадир бу хатлар?! Эҳтимол, уларнинг тағига етсак моддий бойлик орттириш, айниқса қувват олишнинг бугунгидан кўра безарар ва осонроқ йўллари билиб олармидик...

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Ўзга сайёраликларнинг бу «шифрограммалари» биз учун ҳамон сирлигича қолмоқда.



## Саломатлик саҳифаси



Европа тиббиёт адабиётида сутнинг зарари ҳақида кўплаб мақолаларга дуч келиш мумкин. Уларда ёзилишича, сут ўсаётган ёш организм учун зарур эмиш. Катталар, айниқса кексалар учун унинг кераги йўқ, ҳатто зарари бор экан. Аммо бундай мақолалар турли салқин

## СУТ ЗАРАРЛИМИ?

ичимликлар ва шарбатлар ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг буюртмасига кўра тўқиб чиқарилган бўлиши ҳам мумкин.

АҚШ соғлиқни сақлаш миллий институтининг илтимосига кўра америкалик етакчи мутахассислар сут истеъмол қилиш бўйича куйидаги тавсияларни ишлаб чиқдилар:

1. Сут ичишдан сақланувчи киши ўзини ҳаётий муҳим озиқадан маҳрум қилади. Сут ичмаслик, айниқса кекса кишилар учун зарарлидир. Ҳақиқатини айтишча, 25-30 ёшлар оралиғидаги аёллар-

нинг учдан икки қисми, ёши каттароқларининг тўртдан уч қисми кальцийга эҳтиёж сезади.

2. Кальцийга тўйинишнинг энг қулай усули кунига 2-4 стакан сут ичишдир. Сут шунингдек, Д дармондорисига, фосфор ва калийга бой бўлади.


3. Мутахассисларнинг фикрича, қаймоғи олинган сут кўплаб фойдали моддалардан маҳрум бўлади деб ҳисоблаш ҳам нотўғри экан. Таркибидаги ёғнинг миқдоридан қатъи назар, ҳар қандай сут ҳам дармондорилар ва маъданларга бой бўлади.

ҲАММОМ... ҲАММОМ!  
ҲАММОМ?

Қадимдан одамлар ҳаммомга тушишнинг фойдасини яхши билишган. Ҳаммомнинг хосияти юқори ҳароратнинг инсон танасига таъсири билан изоҳланади. Айниқса, пархонанинг фойдаси кўп. Бу ерда қизиқ ётган тошларга турли шифобахш ўт-ўланларнинг қайнатмаларидан тайёрланган сув сепилса! Оҳ, оҳ, оҳ!!! Шунда тошлардан кўтарилган буғ хонани хушбўй ҳидга тўлдирди, ҳавони тозалайди, тери, нафас олиш аъзолари орқали киши организмга сингади, аъзои баданни яйратади.

Нафас олиш аъзоларида учрайдиган турли хасталикларда ҳаммом муолажаси тавсия этилади. Сув буғлари нафас йўллари, ўпкани ювади, тозалайди. Натижада уларнинг сифими катталашади, модда алмашинув жараёнлари тезлашади.

Хулоса шуки, ҳадеб ваннада чўмилавермасдан вақти-вақти билан ҳаммомга ҳам бориб туринг. Қушдек енгил бўласиз!



## ОРТИҚЧА ҚУВВАТ ЗАРАРЛИ

Аниқланишича, ўта тўйимли овқатланиш болаларнинг жуда эрта балоғатга етишига сабаб бўлади. Француз олимларининг фикрига кўра, улғайиш жараёнини овқат таркибидаги глюкоза моддаси тезлатади. Натижада гормонлар фаоллашиб, жинсий безлар ривожига тезлашади. Шунингдек, бўкиб еювчи болалар жисмоний ривожланишда ва ўсишда тенгдошларидан орқада қоларкан. Озиқ-овқат таркибидаги ортиқча қувват бола организмда меъёрдаги модда алмашинувини бузади.

## АНОР – КОНИ ФОЙДА

Республикамизда анор битмайдиган ҳудуд, минтақа бўлмаса керак. Унинг навлари кўп. Уларнинг энг машҳур навлари Кува ва Дашнобод анорлари бўлса керак. Лекин "Наманганнинг олмаси" деган қўшиқлар ҳам бежиз тўқилмаган.

Она табиатнинг доналари ёқутдай товланувчи бу мўъжизаси мевасидан тортиб илдизигача шифобахш экан. Ибн Сино бобомиз унинг пўстлоғини қон қусиш, милк ва ичакдан қон кетишларни даволашда, шунингдек, сийдик ҳайдовчи восита, яра ва жароҳатларга қўйиладиган малҳам сифатида фойдаланган эканлар. Анор пўстлоғидан тайёрланган қайнатма ичбуруққа даво ҳисобланган, гижжани ҳайдайди.

Табибларимиз ҳозиргача анор пўстлоғи, меваси ва мева пўстидан истиско, қўтир, йўтал, ичбуруғ, сариқ касалликларига даво сифатида фой-

даланиб келадилар. Анор шарбати иштаҳа очади, зангила (цинга) касалига шифо бўлади.

Мева пўстлоғи қайнатмасида оғиз чайилса, унинг яллиғланиши тузалади. Унинг кули эса сарийёғ ёки мол ёғи билан омухта қилиниб, теридаги йирингли яраларга сурилса, уларнинг тузалишига ҳам ёрдам беради.

Анор қиёми эса иштаҳа очади, қатор аъзоларга қувват бўлади. Анор, олма, беҳи, лимон, откулоқ, ошқоқ, нилуфар ҳамда кашнич тенг нисбатда олиниб, бирга қайнатилиб, ҳосил бўлган шарбатга асал қўшиб истеъмол қилинса, сафро, қусиш, кўнгил беҳузур бўлиш ва тинка қуришдан халос бўлишда нафи тегади.

"Шифобахш неъматлар" китобидан фойдаланилди.



Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунёнинг 40 мамлакатида инфарктнинг тарқалишини ўрганиш бўйича ўн йиллик натижаларни эълон қилди. Маълум бўлишича, АҚШда асосан қора танли аҳоли инсульт ва инфарктга чалинар экан.

ИНФАРКТДАН ҚАНДАЙ  
САҚЛАНИШ МУМКИН?

Жаҳонда бу соҳада "биринчилик"ни Шимолий Карелиянинг Финляндияга қарашли қисмидаги шаҳарча аҳолиси қўлга киритган. Бу ердаги мазкур кўрсаткич, дейлик, Пекиндагидан ўн баробар юқори экан! Аёллар ичида Глазго, Белфаст, Варшава шаҳарларида яшовчилар "илғор" саналади.

Бир пайтлар қонда меъёридан ортиқ холестерин тўпланиши инфарктга сабаб бўлади, деган қараш кенг тарқалган эди. Ушанда товуқ тухуми ва сарёғ емасликка қақришарди. Кутилмаганда Франциянинг аҳолиси холестеринга бой озиқ-овқат маҳсулотларини кўп истеъмол қиладиган жанубида юрак-қон томир хасталиклари нисбатан кам учраши аниқланди. Россиянинг аҳолиси қизил увилдирик (икра)ни "бурнидан чиққанича" ейдиган Приморье ўлкасида эса кўпчи-



лик одамлар ёшини яшаб, ошини ошаб оламдан ўтишар экан!

Мавсум бошлангандан буён биринчиликда карвонбошилиқ қилаётган "Пахтакор" ўз майдонида "Сўғдиёна"ни қабул қилди. Тошкентликлардан бир неча ўйинчи терма жамоага жалб қилингани боис, шу куни "Пахтакор" таркибига ўринбосарлардан ҳам ўйинчи қўйилди. Учрашувда пойтахт футболчилари 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Рақиб дарвозасига биринчи тўпни "Пахтакор"нинг асосий таркибига эндигина жалб этилаётган интидорли хужумчи М. Бикмаев киритди. Иккинчи тўпга А. Солиев муаллифлик қилди.

Кумуш медалга асосий даъвогар бўлиб турган "Нефтчи" 24-тур учрашувини бир оз олдин - 2 октябрь куни

## «ПАХТАКОР»:

# ЧЕМПИОНЛИК САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

"Андижон"га қарши ўтказиб, меҳмонда 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган эди. 16 октябрда фарғоналиклар ўз майдонида "Сурхон" устидан йирик ғалабага эришди. Мезбонлар рақиб дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритди. Уч кундан кейин "Сурхон" футболчилари водийда "Навбахор"га ҳам 0:1 ҳисобда имкониятнинг бой беришди.

Совринли ўринлар учун курашаётган Зарафшоннинг "Қизилқум" жамоаси яна қимматли очколарни йўқотди. Бекободда маҳаллий "Металлург" билан кечган баҳс 2:2 ҳисобида якунланди. Бундан фойдаланган "Насаф" футболчилари мусобақа жадвалида зарафшонликларга

яқинлашиб олишди. Қашқадарёликлар Тошкентда "Трактор" жамоасини 4:2 ҳисобда енгишди. Ҳозир насафчилар "Қизилқум"дан бир очкога ортда қолмоқда. Ўз майдонида тўп сурган "Самарқанд-Д" "Қўқон-1912" жамоасини 2:1 ҳисобда енган бўлса, "Бухоро" - "Зарафшон" учрашувида ҳисоб очилмади. Олий лигада ўз ўрнини сақлаб қолиш учун курашаётган "Машъал" Муборақда "Дўстлик" устидан ғалаба қозонди. Ўйин 3:1 ҳисобда якунланди.

Мусобақа жадвалида ҳамон "Пахтакор" пешқадамлик қилмоқда. Пойтахт футболчилари бу мавсумда бор-йўғи беш очко йўқотган. "Нефтчи" эса ҳар доимгидек ё

олтин, ё кумуш медал учун даъвогар. Фарғоналиклар йигирма бешта ўйиндан кейин 57 очко жамғаришди. Учинчи ўринда "Қизилқум" бормоқда. "Насаф" ҳам совринли ўринлар учун курашни тўхтатгани йўқ.

Кўйи поғоналарда турган "Сўғдиёна", "Трактор", "Зарафшон", "Машъал" ва "Қўқон-1912" жамоалари олий лигада ўз жойларини сақлаб қолиш ҳаракатида.

### ОЛИЙ ЛИГА

16 октябрь	НЕФТЧИ - СУРХОН 4:0
18 октябрь	ПАХТАКОР - СЎҒДИЁНА 2:0
19 октябрь	ТРАКТОР - НАСАФ 2:4
	САМАРҚАНД-Д - ҚЎҚОН-1912 2:1
	БУХОРО - ЗАРАФШОН 0:0
	МАШЪАЛ - ДЎСТЛИК 3:1
	НАВБАҲОР - СУРХОН 1:0
20 октябрь	МЕТАЛЛУРГ - ҚИЗИЛҚУМ 2:2

### 24 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН ВАЗИЯТ

ЖАМОАЛАР	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Пахтакор	23	21	1	1	74-11	64
2. Нефтчи	25	18	3	4	65-25	57
3. Қизилқум	24	16	3	5	57-26	51
4. Насаф	24	16	2	6	52-28	50
5. Бухоро	24	12	3	9	34-43	39
6. Металлург	24	11	6	7	35-30	39
7. Навбахор	24	11	3	10	43-33	36
8. Дўстлик	24	10	1	13	30-36	31
9. Андижон	24	8	4	12	32-47	28
10. Самарқанд-Д	24	8	3	13	21-37	27
11. Сурхон	25	7	3	15	29-46	24
12. Сўғдиёна	24	6	4	14	24-45	22
13. Трактор	24	6	4	14	25-49	22
14. Зарафшон	24	6	3	15	28-42	21
15. Қўқон-1912	24	6	2	16	22-51	20
16. Машъал	23	5	5	13	26-48	20

### ТЎПУРАРЛАР

Марсел ИДИАТУЛЛИН ("Қизилқум")	- 17
Мухтор ҚУРБОНОВ ("Нефтчи")	- 17 (6)
Бахтиёр ҲАМИДУЛЛАЕВ ("Андижон")	- 17 (1)
Анвар БЕРДИЕВ ("Нефтчи")	- 15
Шухрат МИРХОЛДИРШОЕВ ("Навбахор")	- 15

**Қатар пойтахти Доха шаҳрида футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилмоқда. Унда қитъамизнинг ўн иккита жамоаси учта саралаш гуруҳида кейинги босқичга чиқиш учун курашмоқда.**

## ВАКИЛЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

20 ёшгача бўлган футболчилардан ташкил топган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Жанубий Корея, Таиланд ва Қатар билан "А" гуруҳидан жой олди.

Йигитларимиз биринчи ўйинда таиландликларни йирик ҳисобда доғда қолдиришди. Рақиб дарвозасига жавобсиз тўртта тўп йўлланди. Жанубий Корейдан келган тенгдошларига қарши ўтказилган беллашувда ўзбекистонлик чарм тўп усталари 2:0 ҳисобда ўйинни бой беришди.

Гуруҳдаги учинчи учрашувда вакилларимиз майдон эгаларига қарши майдонга тушди. Ўйин мурасасиз ва кескин кечди. Ҳисоб ҳам шунга яраша бўлди - 5:4. Ўз гуруҳида Жанубий Корея жамоасидан кейин иккинчи ўринни эгаллаган футболчиларимиз кейинги босқичга йўлланма олди.

Шуни таъкидлаш лозимки, қитъа биринчилигида дастлабки тўртта ўринни эгаллаган терма жамоалар кейинги йили Бирлашган Араб Амирликларида ёшлар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатига боради.

## «ОДАМ-МАШИНА» МУСОБАҚАСИ ДУРАНГ БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

Учинчи мингйилликда одам билан техника ўртасида бўлган илк беллашувда дуранг натижа қайд этилди. Россиялик гроссмейстер Владимир Крамник ва "Дип Фриц" компютери саккиз партиядан кейин 4 тадан очкога эга бўлди.


Бир ойдан кейин яна бир шундай турнир бўлади. Машҳур Гарри Каспаров "Дип Жуниор"га қарши дона суради.



## ФУТБОЛЧИЛАР ТИББИЁТ ҲИМОЯСИДА

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси - ФИФА тиббий комиссияси томонидан ташкил этилган тиббий экспертлар ишчи гуруҳи футболчилар соғлиғини ҳимоя қилиш, уларнинг жисмоний ва физиологик имкониятлари чегарасини белгилаш ҳамда мавсум давомида бир ўйинчи ўтказиши лозим бўлган ўйинларнинг юқори даражасини аниқлаш каби масалаларни ўрганиб чиқишга киришди.

ФИФА тиббий комиссияси раиси Мишель д Хуге 29 октябрь куни мутахассислар тиббий ва жисмоний тестлар ва қон таҳлили ёрдамида толиқиш хусусиятларини ўрганиб чиқишни билдирган. Унинг фикрича, бир футболчи мавсум давомида 55-60 та ўйинда майдонга чиқиши мумкин. Лекин бунинг учун энг ма-



лакали мутахассислар ўз тавсияларини билдиришлари лозим. Буларнинг барчаси эса футбол ўйинларининг кескин, тезкор ва

мурасасизлигини таъминлаш, ўйинчилар соғлиғини ҳимоялашда катта аҳамият касб этади.

Боҳир БЕК тайёрлади.

## ДИНАМОЧИЛАР ОЛДИНГИ САФДА

Бугунги кунда "Динамо" ФСЖ Андижон вилояти бўлими спорт тўғрақларида бир ярим минг нафарга яқин киши шуғулланмоқда. Бокс, каратэ, қўл жанги, таэквондо, дзюдо, бодибилдинг машғулотларини тажрибали устоз ва йўриқчилар олиб боришяпти.

Йил бошидан бери спорт майдончалари, ринглар, кортларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида спортнинг теннис, каратэ, футбол, волейбол, баскетбол, шашка, шахмат ва бошқа турлари бўйича биринчиликлар ўтказилди. Уларда икки минг нафарга яқин спортчилар иштирок этдилар.

Кейинги пайтда каратэ бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, "Динамо" ФСЖ йўриқчиси Фарҳод Холмухамедов хотирасига бағишлаб турнир ўтказиш анъанага айланиб қолди. Сўнгги беллашувларда Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларидан 750 нафардан ортиқ спорт-

чилар иштирок этишди. Жамоа ҳисобида "Азаматкарим" спорт клуби аъзолари ғолиб чиқишди.

Андижондаги кортларда ташкил этилаётган теннис турнири ҳам спорт мухлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Уларда шаҳар ва туманлар ички ишлар идоралари, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари, шунингдек турли ёшдаги спорт ишқибозлари куч синашишяпти.

Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасида Избоскан тумани ИИБ динамочилари муваффақият қозонишяпти. Ҳозирда андижонлик динамочи боксчиларнинг номи бутун дунёга машҳур. Г. Каримова, З. Курбонова, Г. Набиева, М. Йўлдошева, Л. Собирова каби самбочи қизлар эса Ўзбекистон ва Осиё чемпионларидир.

А. ЗИАИДОВ, милиция подполковниги.

**Жаҳли чиққан ота қизига бақирди:**  
 – Мен ҳеч қачон у аҳмоққа турмушга чиқишинга рози эмасман.  
 – Нега уни аҳмоқ деяпсиз?  
 – Ақлли бўлганида сенинг қўлингни сўрармиди...

**– Киши тентак бўлгани яхшими ё кал?**  
 – Тентак бўлгани маъқул. Чунки бу нуқсон гапирмаса кўзга ташланмайди.  
 \* \* \*  
 – Нима учун қизингизни узатмаяпсиз?  
 – У кўнглига ёқадиганини кутяпти.  
 – Кўнглига қанақа йигит ёқади?  
 – Қўлини сўраб совчи юборгани.

**Бир гўзал аёл Бернارد Шоуга деди:**  
 – Агар иккаламиздан фарзанд туғилганида у сизнинг ақлингиз, менинг чиройим билан туғилар эди.  
 – Агар акси бўлсачи?...

**ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СониДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА:** Архив. Қорахоний. Нашр. Атлас. Абай. Кола. Абр. Оломон. Ирмоқ. Аср. Алик. Кўп. Сафар. Юра. Танго. Арта. Оёқ. Пўлат. Коса. Ака. Чама. Агра. Айлин. Оташ. Одина. Канзас. Боку. Аросат. Тархон. Даво. Уран. Мио. Раво. Доғ. Тристан. Ўт. Ўлат. Каби. Пок. Қоқ. Цирк.  
**БҲЙИГА:** Кратер. Ара. Айбдор. Ипак. Миф. Нос. Оро. Динамо. Гиннес. Тўп. Қармоқ. Панда. Адир. Ақраб. Ока. Брак. Тортиқ. Арра. Анча. Йорк. Равон. Аҳд. Посбон. Анжом. Парламент. Онадўли. Лочин. Така. Банк. Ор. Эр. Айлана. Агата. Тош. Улуғбек.

## «Милиция оқсоқоллари» танловига

**Азимжон ака иккинчи жаҳон урушига отланганида ўн саккиз ёшда эди. 1943 йил душман Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) остоналарига яқинлашиб қолган, фронтда ҳаёт-мамот жанглари кетарди. Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасидан чиққан алп қоматли йигит ҳеч иккиланмасдан жангга кирди. Ўзбекистоннинг ўзлигини кўрсатди, узоқ ўлкаларда она юрти – Ўзбекистон шаънини мардона туриб ҳимоя қилди.**

**Азимжон ака билан суҳбатлашиб ўтирибмиз-у, у кишининг салобатли келбати, қатъият акс этиб турган юз-кўзларига тикиламан. Бу кўзларда не синоатлар яширинган, қалбида эса аччиқ хотиралар.**

## САДДОҚАТ

Азимжон Убаев уйга қайтгач, қайси касбни танласам экан, деб ўйлаб ўтирмади. Зеро, унинг ҳаётда кўзи пишган эди. Шаҳарнинг Шайхонтоҳур туманига келиб, милицияга ишга кирди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай милиция мактабига ўқишга юборилди. Бир йиллик ўқув, тинимсиз машқлар билан ўтган курсни тамомлагач, туман милицияси 5-шаҳар бўлинмасига бошлиқ ўринбосари этиб ишга тайинланди. Ёш милиционер тез кунда ташкилотчилик, тезкорлик қобилиятларини намойиш этди. Ғайратшижоати, боодоблиги, ҳар бир ишни юксак масъулият билан бажариши туфайли тезда раҳбарларнинг тилига тушди.

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани милициясига ишга юборилиши унинг учун яна бир жиддий синов бўлди. Азимжон ака бу ерда 1955-1965 йиллар мобайнида аввал тезкор вакил, сўнгра жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи, ниҳоят, туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари вазифаларида хизмат қилди. Серғайрат, ишбилармон раҳбар туманда кўплаб очилмаган жиноятларни фош этиш, босқинчилик ва ўғирликларнинг олдини олишга эришди. Шу йиллар ичида унинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Тошкент Олий милиция мактабини сирдан ўқиб битирди.

– Ўшанда ёз ойлари эди, – деб эслайди у. – Ўқишлар якунланиб милиция мактабига

сўнги бор ташриф буюрдим. Ёдимда, бир ходим қўлини елкамга қўйиб “буёғи энди “яшил йўл” деди. Очиги, бу гап кўнглимга андак қаттиқ ботди. Менимча милиция соҳасида “яшил йўл” бўлмайди. Зеро, ходимнинг ҳаёти доим хавф-хатарлар, машаққатлар билан кечади. Буни мен ўз тажрибамдан яхши биламан. Хулоса шуки, ўз хузур-ҳаловатидан кечган, кечаю кундуз Ватани, халқи деб ёниб яшайдиган, садоқатли инсонларгина мили-

оғир юкнинг устидан ўтиб юрмаслигини беш қўлдек билишади. Демак, энг шимариб, бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишлашига тўғри келди.

Дарҳақиқат, Азимжон Убаев туман ИИБ жиноят қидирув бўлимига раҳбар бўлиб келган ўша 1965 йили Қибрайда муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ТошГРЭС қурилаётган кезлар эди. Азимжон ака ўзининг асосий ишларидан ортиб ана шу “тиғиз” объектни қўриқлаш масъулиятини ҳам ўз зиммасига олди. 1975 йилда вилоятда сув хўжалиқларини муҳофаза қилувчи махсус бўлинма ташкил этилиб, унга Азимжон Убаев бошлиқ этиб тайинланди. Ушбу лавозимда 1984 йилгача хизмат қилиб катта иззат-ҳурмат билан пенсияга кузатилди.

Истеъфодаги милиция майори Азимжон Убаев 35 йилдан кўпроқ ички ишлар идораларида ҳалол меҳнат қилди. Катта-кичик лавозимларда ўзини кўрсатди, меҳнатсевар ва қаттиққўл раҳбар, айни чоғда меҳрибон инсон сифатида танилди. У қатор орден ва медаллар ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Фахрий ёрликлари билан тақдирланган. Унинг кўплаб шогирдлари бугунги кунда милиция соҳасида фидойилик кўрсатишяпти.

Биз бу йил ўзининг 78 ёшини қаршилаган милиция фахрийсига узоқ умр, сиҳат саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз.

**М. ИНОЯТОВ.**

## ЁДНОМА

## ИБРАТ

**Ҳалимаҳон ая Қамбарова олти ўғил, бир қизнинг онаси, 50 нафардан ортиқ нева-ра-чеваралари бор. У истеъфодаги милиция полковниги, марҳум Кимсанбой ака Қамбаров билан эллик йилга яқин умргузаронлик қилди. Ая турмуш ўртоғи ҳақида шундай хотирлайди:**

– У кишининг фидойилиги, куюнчақлигини фарзандларимда кўриб, чексиз шодланаман. Олти ўғилнинг икки нафари ота изидан борди. Раҳмонжон кўп йиллар милиция хизматида ҳалол хизмат қилди. У ҳозир истеъфодаги милиция подполковниги. Иккин-

чи ўғлим Баҳодиржон эса вилоят ИИБ жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги. Баҳодиржоннинг ўғли, набирам Нодирбек Олтинқўл тумани ИИБ профилактика инспектори.

Раҳматли турмуш ўртоғим болаларга нисбатан қаттиққўл, шу билан бирга меҳрибон эди.

– Айтишларича, қатъиятли ҳам бўлган эканлар.

– Тўғри айтасиз. Кунлардан бир кун кўшимиз Минаввар опа бизнига совчи бўлиб чиқди. Унинг онамга айтаётган сўзларидан англадимки, яқинда ҳарбий хизматдан келиб, Тошкентдаги милиция мактабига ўқишга кирган укаси Кимсанбой ўзидек, қатъиятли қизни

ахтариб юрган экан. Уни бизнинг ҳовлида кўрибди.

Шундай қилиб, 1947 йил август ойида тўйимиз бўлди. Биринчи сентябрда акангиз милиция мактабига ўқишини давом эттиргани кетди. У ердан

ҳар куни хат ёзиб турарди. Юборган мактубларининг орасида ўзлари машқ қилган шеърларни ҳам юборарди.

...Кимсанбой ака урушдан қайтгач, пойтахтдаги милиция мактабига ўқиди. Маълум вақт туман ИИБда ишлади. Сўнг Андижон тумани, Андижон шаҳри ички ишлар бўлимларида



## МАКТАБИ

бошлиқ ўринбосари, бошлиқ бўлиб хизматни давом эттирди. 1977 – 1985 йиллари эса Андижон вилояти ИИБ бўлим бошлиғи бўлди. Салкам қирқ йил давомида милиция кичик лейтенантлигидан милиция полковнигига қадар бўлган йўлни босиб ўтди.

Марҳум милиция полковниги Кимсанбой ака Қамбаровнинг

фаолиятига камроқ тўхталдим. Етмиш ёшида ҳаётдан кўз юмган отахон истеъфода беш йил бўлди, холос. Ўша дамларни ҳам асосан маҳаллада, ёшлар орасида ўтказди. У кишининг таъкидлашича, ҳамма нарса – яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам оиладан бошланади. Оила – жамиятнинг узилмас бир бўлаги, болала-

ринг, маҳалланнинг тинчлиги – Ватанинг тинчлигидир.

Бугун ана шундай инсон орамизда йўқ. Аммо, у кишининг рафиқаси, тарбиялаган фарзандлари, шогирдлари, энг муҳими, амалга оширган ишлари бор. Ёш милиция ходимлари Кимсанбой ака яратган мактабдан қандай хизмат қилиш кераклигини ўрганишса арзийди.

**У. ЙЎЛЧИЕВА.**

**Суратда: Кимсанбой ака Қамбаров (марҳум) ўғиллари Раҳмонжон ҳамда Баҳодиржон билан.**

# ЯХШИГА ЙЎЛДОШ БЎЛ!

Зафаржон илгари ҳам ўғирликка қўл уриб, тавба-тазарру қилиб, жарима тўлаш билан қутулиб қолган эди. Аммо ваъдаси тил учиди экан, лафзида турмади. Орадан бир йил ўтиб яна бировнинг мулкани талон-торож қилишга чоғланди. Бу гал тенгдоши, ҳамхонаси Муродило билан тил бириктириб, ярим тунда велосипедга миниб, Навоий туманининг Қ. Раҳимов номли ширкат хўжалигига йўл олишди. Мўлжаллари Насиб Шариповнинг дўкони эди.

Насибнинг терговдаги гувоҳлик кўрсатмасидан:

“Кечки соат ўнларда дўконга 20-22 ёшлардаги нотаниш икки йигит кирди. Улардан бири икки дона “Хон” сигарети сотиб олди. Кўнглимда шубҳа гимирлади. Ярим соатлардан сўнг дўконни бекитиб уйга кетдим.

Куни бўйи тик оёқда туриб савдо қилиш, турли феъл-атворли харидорлар билан муомалада бўлиш кишини чарчатади. Шундай бўлса-да, кечаси, тахминан соат 3.00ларда бир ниманинг томда тарақлаганини эшитиб уйғондим. Мен ҳам, турмуш ўртоғим ҳам чиқиб қарагани эриндик. Яна қотиб ухлаб қолибман.

Эрталаб соат еттиларда шундоқ уйимизнинг орқасида жойлашган дўконимизни очсам, харидорлар моллар рўйхатидан ҳисоби. Ўғрилар олд ойнага ўрнатилган панжарани кўчириб, дўконга кириб, икки юз минг сўмликдан зиёд 54 хил товар ва 10.000 сўм пулни олиб кетиб қолишган эди.

Аввалига ўғрини ўзимиз топишга ҳаракат қилдик. Натижа чиқмагач, милицияга мурожаат этишимизга тўғри келди. Нарсаларимни кўрсат танийман. Аммо тайинли бирор кишидан гумон қилмайман”.

Ўғирланган моллар рўйхатидан.  
“3) 14 дона шампунь – 3750 сўм; 4) 15 дона кир совун – 3000 сўм; ... 12) 2 дона эркаклар-трусиси – 1300 сўм; ... 39) 12 шиша Қибрай пивоси – 3000 сўм ...”

Айбланувчи Зафаржон Жўраевнинг ўз айбига иқрорлик кўрсатмасидан:

“Эртаси куни ўғирлик мол-

ларнинг кўпини Навоий шаҳридаги марказий деҳқон бозорига олиб чиқиб, нотаниш кишига кўтарасига сотиб юбордик. Фақат автомагнитола билан яна икки-учта майда-чуйда нарса қолди. Ўғирланган нарсалардан орттирган пулларни ўз эҳтиёжимизга ишлатиб юбордик. Бу ўғирлик ҳақида ҳеч кимга билдирмадик.

деди. Келиб қарасам, ҳақиқатан дўкондан кўп миқдорда мол ўғирланган эди. Зудлик билан милицияга хабар бердим. Шу куннинг ўзидаёқ мени туман ички ишлар бўлимига чақиртириб, ўғрилардан олинган ашёвий далилларни кўрсатишди. Ўзимнинг молларимни танидим. Улар бус-бутун эди. Милиция



Орадан бир ой чамаси вақт ўтгач, ўзаро тақсимлаб олинган пуллар ишлатиб юборилди. Шундан сўнг ўртоғимга Ибн Сино жамоа хўжалигида бир дўкон бор, энди ўшанга ўғирликка тушамиз, дедим”.

Айбланувчи Муродиллонинг кўрсатмасидан:

“Ўртоғим Зафаржоннинг қистови билан икковимиз Ибн Сино жамоа хўжалигига қараб йўл олдик. Дўкон олдида ярим тунда етиб келдик. Атрофни кузатдик. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилганимиздан сўнг дўкон эшиги ва деразасини бузиб, ичкари кирдик”.

Ўғрилар бу ердан ўн беш номдаги, жами 221100 сўмлик молни ўғирлашди. Ўлжаларни олганча, қишлоқ оралаб кетишгаётганда олдиларидан милиция ходимлари чиқишди.

Жабранувчи Толиб Каримов кўрсатмасидан:

“Эрта тонда жияним Дилшод Каримов уйимга келиб дўконингизга кимдир деразасини бузиб ўғирликка кирибди,

ходимларига раҳмат”.

Айблов хулосасидан:  
“Шундай қилиб, хавfli рецидивист Зафаржон Муродило билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг анча миқдордаги мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилган”.

Суд ҳукмига кўра 3. Жўраев 8 йилга, М. Мавлонов эса 6 йилга озодликдан маҳрум этилди.

**Муаллифдан:**  
*Ҳаётда тавбасига таянмаганлар бўлади. Йўқса, биринчи ўғирлиги учун суд инсонпарварлик кўрсатиб бор-йўғи жарима солиш жазосини белгилаш билан чекланган Зафаржоннинг бу қилмишини яна қандай баҳолаш мумкин? Аммо “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмасида тупна-тузук ишлаб юрган Муродиллонинг қилишига нима дейсиз? Шунини айтсалар керак-да “Яхши билан юрдинг – етдинг мурода, ёмон билан юрдинг – қолдинг уятга”, деб.*

**Н. МАВЛОНОВ,**  
Навоий вилояти.



**Милиция сержанти**  
**Ўткир Хурсанов** 1995 йилда Қашқадарё вилояти ИИБ хузуридаги қўриқлаш бошқармасига қарашли Таллимаржон милиция бўлинмасида иш бошлади. У ўтган йилдан буён 3-бўлинма сардори. Ўзи раҳбарлик қилаётган бўлинма ходимларининг хизматини ҳушёрлик билан назорат қилади. Шу билан бирга у спорт машгулотларида қатнашади. 1996 йили Тошкентда қўл жанги бўйича ўтказилган мусобақада иккинчи даражали диплом билан тақдирланди.

**С. АМИНОВА.**

*Суратда: Ўткир Хурсанов (ўнгда) милиция сержантлари Янгибой Ҳамзаев ва Абдурахмон Шердоновлар билан.*

**Эри бошқа бир аёл билан “юриб” кетганини эшитиб Мақсуда енгил тортди. У энди хўрлашу ҳақоратлашлардан, қора калтаклардан қутуламан, деб ўйлаган эди. Аммо янглишган экан. Эри оиласига тинчлик бермади. Унинг дастидан на хотини, на болалари ва на оқ сут берган онасига кун бор эди.**

Иккинчи хотини Насибга Мақсуда билан ажралишиб, менга қонуний уйланасиз, деб шарт қўйди. Айниқса, ундан бир қиз кўргач, “Мен билан бирга яшашни истасангиз, уйингизга кўчириб олиб борасиз”, – деб оёқ тира олди.

Ёш хотиндан ажралиб қолишдан чўчиган Насиб узоқ ўйлаб ўтирмай Мақсуданинг жавобини бериб, уйдан ҳайдаб юборди. Мақсуда болаларини олиб онасининг уйига келди. Орадан бир ҳафта ўтиб қайнонаси ҳам кириб келди.

– Мени ҳам ҳайдаб юборди. Унинг яшашига халал бераётган эмишман. Қариган

олган зўравон охири ухлаб қолди. Шундан сўнг Мақсуда қайнонаси қамалган уй эшигини очди.

– Қизгинам, тезда болаларингиз олиб онангникига кет. Эринг нима қилаётганини ўзи билмайди. Бунақада сени уриб ўлдириб қўйиши ҳам ҳеч гапмас. Болаларингиз чирқираб етим бўлиб қолишади. Жон қизим, кетақол! – ёлворди қайнона.

– Тўғри айтасиз. Юринг биз билан. Ўзига келса, сизни ҳам тинч қўймайди.

– Мени қўявер, қизим. Менинг уйим шу ер, – чуқур хўрсинди Рисолат опа...

Насиб бир неча соатдан сўнг уйғонди.

## КЎКТЎНЛИКДАГИ ФОЖИДА

чоғимда бошимга соябон бўлади деган эдим. Ўғил эмас, бир ҳайвон ўстирибман, – дея йиғлади Рисолат опа.

– Қуда, қўйинг, кўп куйманг. Инсофга келиб қолар. Жой ҳаммамизга етади, – уни юпатди Мақсуданинг онаси.

Орадан ярим йил ҳам ўтмай, Насибнинг бедаво феълига чидай олмасдан ёш хотини кетиб қолди. Куёв бўлмиш қайнонасиникига бош эгиб келди.

– Юринглар, уйимиз хувиллаб қолди. Бу ёруғ дунёда сизлардан бўлак ҳеч кимим йўқ, – деди у онаси билан хотинига.

Қайнона-келин Насибнинг гапига ишониб, унга эргашишди. Роппа-роса бир ҳафта тинч-хотиржам яшашди. Сўнг Насиб яна эски қилигини бошлади: хотинини урди, онасини сўқди, уларни дунёда бор гуноҳларда айблади.

Март ойининг охирларида у уйга кайфияти бузилиб қайтди. Эшикдан кириши билан дағдаға қилди:

– Овқат тайёрми?!

– Ҳозир, ярим соатларда манти пишиб қолади, адаси. Сиз унғача чой ичиб туринг, – каловланди Мақсуда.

– Сенинг овқатинг пишгунча одам очидан ўлади, – дўқ урди Насиб, сўнг қўлига тушган бир қулоч резина ичак билан хотинини ура кетди. Орага тушган онасини итариб-туртиб қўшни хонага киритиб, устидан қулфлаб қўйди.

Бутун аламини хотинидан

– Мақсуда қани? Овқат қачон тайёр бўлади? – бақирди у. Хотини кетиб қолганини эшитиб онасига ташланди. Резина ичакни олиб уни ваҳшийларча ура кетди. Фақат шўрлик аёл ерга йиқилиб хириллай бошлагандагина калтаклашдан тўхтади. Қилмиши учун жазо олишидан қўрқиб қўшнилариникига югуриб чиқди.

– “Тез ёрдам” чақиринглар. Онамнинг мазаси бўлмай қолди, каравотдан йиқилиб тушдилар! – деди у жон ҳолатда.

Рисолат опа шу кўйи ўзига келмай, эртаси куни касалхонада жони узилди.

Дафн маросимидан сўнг Насиб Мақсудага:

– Онамнинг ўлимига сен айбдорсан. Энди сенинг галинг, – дея пўписа қилди.

Мақсуда бу сафар милицияга арз қилишга ўзида журъат топди.

– Қайнонамнинг ўлимига у сабаб. Онасини ўзи уриб ўлдирган, – деди Мақсуда юрак ютиб.

Кекса аёлнинг ўлдирилиши бўйича жинойят иши қўзғатилди. Суд-тиббиёт экспертизаси ўлим калтаклаш натижасида ички аъзоларнинг оғир шикастланиши оқибатида юз берганини кўрсатди. Насибга айб эълон қилинди.

Суд Н. Маматкуловни ўн йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. Бу мудҳиш фожиа Пахтаобод туманининг Кўктўнлик қишлоғида содир этилди.

**М. ХОЛМАТОВ,**  
милиция майори.

# АСОСИЙ МАҚСАД – ХАВФСИЗ ҲАРАКАТ

**“AVTOhamroh” журнали ташкил топганига беш йил тўлди. Бу кичик бир сана, албатта. Аммо ўтган қисқа вақт мобайнида мазкур нашр жамоаси амалга оширган ишларнинг салмоғи кенг. Унинг замирида сермахсул ижод, ҳаёт фалсафаси мужассам.**

Мен ушбу журналнинг ташкил этилишини давр талаби, деб атаган бўлардим. Бойси, ҳеч бир воқелик сабабсиз ва асоссиз бўлмаганидек, журнализмнинг ҳуқуқий тизимда фаолият кўрсата бошлаганида ҳам давр таъсири, замон талаби мавжуд. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, автомобилсозлик саноатига эга бўлди. Санотимизнинг бу қудратли тизими мамлакатимизнинг дунё бўйича нуфузини янада ошириб юборди. Биз замонавий “Нексия”, “Тико”, “Дамас” ва “Матиз” номи билан машҳур харидорларнинг энгил автомашиналарга, “Отыйул” сингари микроавтобусларга эга бўлдик. Жанубий Корея, Туркия билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган бу автомашиналар мамлакатимизда асосий транспорт воситаларидан бирига айланди. Транспорт тармоғи кенгайиб, йўл ҳаракати ривожланиб борган сари ҳаёт олдимизга

янгидан-янги вазифаларни кўндаланг қўя бошлади. Улардан бири йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдир. Албатта, сиз бу вазифага “AVTOhamroh”нинг қандай боғлиқлик томони бор, деб ўйлашингиз ёки бу соҳадаги тарғибот-ташвиқот ишлари учун республикада етарли тажрибага эга бўлган “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Инсон ва қонун” сингари газеталар, “Ҳаёт ва қонун”, “Қонун ҳимоясида”, “Қалқон” каби таниқли жур-

наллар бор, улар ёритаётган ҳуқуқий мавзулар етарли эмасми, дейишингиз табиий. Тўғри, бу оммавий нашрлар ўз саҳифаларида мунтазам равишда автомобилсозлик ва ҳаракат хавфсизлигига оид қатор мақолалар бериб бормоқда. Аммо бизнинг нашримиз ҳам алоҳида мавқега эгаки, бунда республикамиз автосаноатининг бугуни ва эртасини доимий ёритиб бориш билан бирга фуқароларимизнинг дахлсизлигини қонуний ҳимоялаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга даъват этувчи мавзуларда саҳифалар бериб бориш имкониятларига эгамиз. Бошқача айтганда, “AVTOhamroh” аҳолининг транспорт қатнови билан боғлиқ ҳаётига яқиндан ёндашувга ихтисослашган журналдир.

У дастлаб оддий газетасифат, мавзу жиҳатдан тор, имконият даражаси чегараланган, ўқувчилар эътиборидан йироқ нашр бўлган. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида бундай нашр ўз нуфузи, муштариёларига эга бўлолмай, инқирозга учраши тайин эди. Шунда муассисимиз Ўзбекистон Республикаси ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси раҳбарияти журнализмнинг оёққа туриб, ўз муҳлисларини топишига яқиндан ёрдам беришди.

“AVTOhamroh” журналнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари бор. Улардан бири нафақат республикамиз, балки ҳамдўстлик давлатлари, хорижий мамлакатлар автомобилсозлиги билан боғлиқ янгиликлар, ютуқларни ёритиб бориш билан бирга хавфсизликни таъминлашга ёрдам берувчи тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб боришдир.

Республикамизда ҳар йили “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги”, “Диққат, пиёда!”, “Яшил чироқ” сингари талбирлар ўтказилади. Бундан кўзланган мақсад, жамоатчиликни йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга даъват этишдир. Зеро, фуқаролар орасида ҳамон қоидалар-

## AVTOhamroh 5 ёшда



ни билмайдиган ёки билса-да, уларга риоя этмайдиган кишилар, айниқса, ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Ана шу лоқайдлик барҳам топса, ўйламанки йўл-транспорт ҳодисалари анча камаяди, бахтсизликлар рўй бермайди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ёшга кекса, пиёда ҳайдовчи – барча масъул бўлмоғи шарт!

Таҳририятимиз кейинги йилларда ана шу масалага атрофлича эътибор берган ҳолда кўплаб давра суҳбатлари ва интервьюлар ёритапти. Илғор тажрибали, айниқса, ривожланган мамлакатлардаги автооламга оид янгиликлар, кашфиётлар билан бир қаторда йўл-транспортга дахлдор қонунлардаги ўзгаришлар, йўл ҳаракати қоидалари амалиёти, фуқароларнинг

кўчада юриш маданияти хусусидаги материалларга журналхонлар ижобий муносабат билдиришмоқда.

“AVTOhamroh” фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ҳам хайрли ишларни амалга ошираяпти. Бу мавзуда кейинги йилларда туркум материаллар ёритдик. Жумладан, ҳуқуқшунос олимларнинг чиқишлари, республика Олий Мажлиси сеессияларида қабул қилинган қонунлар, Конституциямизни тарғиб этиш асосий мавзулар қаторидан ўрин олапти. Бундай саъй-ҳаракатларимиз фуқаролар, муштариёларимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

**Қ. КАРИМОВА,**  
“AVTOhamroh” журнали бош муҳаррири.



### ТАҲРИРИЯТДАН:

**ИИБ Бирлашган таҳририяти «Автоҳамроҳ» жамоасини журнал ташкил этилганининг беш йиллиги билан қизгин муборакбод этади ва таҳририят ижодкорларининг кейинги ишларида улкан зафарлар тилаб қолади.**

**Ярим тун. Катта кўчада машиналар қатнови сийраклашган. Тун қоронғусида янада баланд туюлувчи кўп қаватли уйлар ҳам гўё уйқуга кетди. Баъзи деразалардан таралаётган нургина бедор инсонлар борлигини англаиб турибди.**

## ТУНДАГИ

Профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Нурқобил Абдумуродов хизмат хонасида кунт билан нималарнидир ёзиб ўтирибди. У олати уйқудан воз кечиб бўлса-да кун бўйи қилинган ишларнинг ҳисоботини тайёрлайди. Турли миллатдаги минглаб аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда ишларнинг ўзи бўлмайди-да,

Қоғозлар орасига “шўнғиб” кетган Нурқобил тун қаърида янграган кучли овоздан сесканиб, ўрнидан турди. У югуриб кўчага чиқди ва тахмин билан овоз келган томон – баланд “дом”нинг ёнига борди. “Бирортаси ётмаганмикин” деган ҳаёлда қоронғуда ерни пайпаслади.

У юқорига қараб, очик деразадан кўринган одамдан – “Ким бақирди?” деб сўради. Чамаси, у ҳам тунги кичкириқдан уйғониб кетган шекилли, қўли билан рўпарадаги уйни кўрсатди. Гўё шуни кутиб тургандек, у кўрсатган уйнинг тўртинчи қаватидаги дераза шарақлаб очилди-ю. “Ёрдам беринглар!...” – дея бўғиқ овозда қич-

қирди ярим белигача деразага осилиб қолган эркак киши. Нурқобил шитоб билан уй йўлагига отилди. У иккинчи қаватга кўтарилганда тепадан тапир-тупур овоз эшитилиб, кимлардир югуриб тушаверди. – Тўхта! Қаёққа, нима бўлди? Тўртинчи қаватда яшовчи Даврон Ҳамидов (исм-фами-

ўқ узди. Ўқ овозини эшитган Даврон Ҳамидов таққа тўхтади ва профилактика инспектори ёлғизлигидан дадилландими, у томонга кела бошлади. Шериғи эса жуфтакни ростлади.

– Тўхта, жойингдан қимирлама! Отаман!

Суяги курашда қотган Даврон тўхташни ҳаёлига келтирмади. У профилактика инспектори огоҳлантириб, дўқ қилгани билан ўзига қарата ўқ отмаслигига, уни бир уриб, мажақлаб қўйишига ишонарди. Шу ишонч билан Нурқобилнинг устига бостириб келарди.

## ОЛИШШУВ

лиялар ўзгартирилган) ва унинг ёнига тез-тез келиб турувчи дўсти Бобоёр Мустафоевларни кўрган Нурқобил уларни тўхта-тишга уринди. Бироқ курашининг ҳадисини олган Даврон Ҳамидов чапдаст ҳаракат билан ёнидан ўтиб, пастга йўналди.

“Булар уй эгасини, ё деразадан ташлаб юборди, ё ўлдирди”. Нурқобил йигитларнинг орқасидан югурди. Ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ: йигитлар “дом”лар орасидаги хилват жойга қочиб, узоқлашиб боришарди.

– Тўхта, отаман! Профилактика инспекторининг қайта-қайта таъкидлашига қарамай босқинчилар тўхташни ҳаёлига келтирмас, аксинча, узоқлашиб борарди. Огоҳлантиришлари зое кетаётгани, босқинчилар қўлдан чиқishi мумкинлигини англаган Нурқобил осмонга қарата огоҳлантирувчи

Даврон ўзига 3-4 метр яқинлашгунча Нурқобил боягина ҳудудни айланиш учун кетган навбатчилар – патруль-пост хизмати милиционерларига рация орқали вазиятни билдириб, ёрдам сўради. Айни шу пайтда Даврон мушукдек чаққонлик билан сакраб, Нурқобилга чанг солди.

Нурқобил бир кор-ҳол бўлмаслиги учун тўппонча ушлаган ўнг қўлини Даврондан олиб қочишга интилар, Даврон эса чап қўли билан Нурқобилнинг бўйнидан қисиб, қўлини қайириб, тўппончасини тортиб олишга интиларди.

Кураш устасининг номардларча қўллаётган оғритиш усулидан Нурқобил ҳушини йўқота бошлади. Шу онда у тўппонча босқинчининг қўлига тушиб қоладиган бўлса оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида ўйларди.

### Фидойилик

Бунга асло йўл бермаслик керак. Нурқобил босқинчининг чанғалида жонсизланиб қолган қўлидаги тўппончанинг тепкисини босишга ўзида мадор топди...

Даврон яраланган чап оёғини чангаллаганича қочишга уринди. Лекин Нурқобил унинг қочишига йўл қўймади...

Маълум бўлишича, пойтахтда истиқомат қилувчи жиянини уй-жой, маблағ билан таъминлаб турувчи тоға уни кўргани келган экан. Нопок Даврон тоғаси бериб турган пулларга қаноат ҳосил қилмай уни тунаш режасини тузади. Келишилганидек, тунги соат 01.30 ларда пусиб келган шेरликларига хонадон эшигини очди. Улар Давроннинг тоғаси Исфандиёр Қодировни ухлаб ётган жойида уриб, пул талаб қилишди. Унинг 40.000 сўм пулини олиб ҳам қаноатланишмайди. Меҳмонни ип билан бўғиб, қийнайдилар. Шунда у деразага ташланиб, ёрдам сўраб, бақирдишга улгуради...

А. Икромов туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалласида хизмат қилувчи профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Нурқобил Абдумуродов 1987 йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилади. Ушбу лавозимда ишлаётганига бир йил бўлди. У ўзининг билимдонлиги, иш тажрибаси, жасорати боис раҳбарият томонидан кўп марта рағбатлантирилган.

– Ватанимга, халқимга ҳалол хизмат қиламан деб шу касбни танлаганман, – дейди Нурқобил. – Юртимиз осойишталигига, тинчлигига кўз олайтирадиганларга қарши доимо курашиб келганмиз. Бундан кейин ҳам курашаверамиз.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.**





# ВАЛИЖОН ШАМШИЕВ

## МЕҲМОНИМИЗ

сўм чиқариб аёлга узатдим.

— Вот, не огорчайтесь, возьмите, — дедим.

Кампир раҳмат дейиш ўрнига бирдан қўлимга маҳкам ёпишди-ю:

— Кошелек тоже верни! — деб бақриб қолса бўладими. Бир зумда атрофимизни одамлар ўраб олишди. Ҳаммаси ўзаро келишиб мени милиция ходимлари олдиға олиб боришди. Шукрки, улар каминани бир оз танишар экан, кула-кула қўйиб юборишди.

### «ОСТОҲАСИ ТИЛЛОДАН...»

Бахтимиз кулиб боқиб, камина уйландиган бўлиб қолди. Ҳамма музокаралар ижобий яқунлангач, тантанали маросимлар бошланиб кетди. Куёвтура, яъни

мен Андижонда келинни кутиб ўтирибман. Бу пайт эса қайнотам — Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ўз машинасида келинчакни поезд вокзали томон олиб боришарди. Демак, машинада қайнотам, қайнонам, иккита аммам ва ўртада келинчак кетиб боришарди. Урф-одатимизга кўра аммалар «Ёр-ёр» айтиб кетишади:

*Йиғлама қиз, йиғлама-ёв,  
Тўй сеники ёр-ёр.  
Остонаси тиллодан-ов,  
Уй сеники ёр-ёр.*

Қўшиқнинг шу жойига келганда келин отасига қараб:

— Эшитдингизми, дада, остонаси тиллодан экан. Қанча олиб қайтай? — дебди.

Ҳамма гурра кулиб поездга чиқишган. Тўй авжига минганда аммалардан бири менга бу воқеани айтиб берди. Эртасига эрталаб

ташқарига чиқсам, келинчак остонани супураётган экан. Секин бир четда турган болтани олдим-да, Дилфузахонга узатиб:

— Қани, Дилфузахон, чопинг остонани, — дедим жиддий оҳангда.

Аввалига у бир оз ҳайрон туриб қолди. Сўнгра жиддий турганимни кўриб:

— Нима, сизларда шу-

нақа урф-одат борми? — деб сўради.

Мен эса бунга жавобан янада жиддий оҳангда:

— Чопсангиз-чи ахир, чопинг, — дедим.

Келинингиз секин чопишни бошладилар.

— Яхшилаб чопинг, кейин ҳамма тиллани йиғиб ярмини отангизга берамиз, ярмини эса тўйдан қолган қарзларни узишга ишлатамиз, — дедим.

Шундан сўнг Дилфузахон гап нимада эканлигини тушуниб қолди-да, кулиб юборди...

**Ҳангомаларни Хуршид РЎЗИЕВ нашрга тайёрлади.**

### «ЕМАГАН СОМСАГА...»

Бир куни метродан чиқиб кетаётиб мундоқ қарасам, иккита йигит бир рус аёлининг ҳамёнини «шип-шийдам» қилиб қочиб кетишибди. Кексароқ аёл экан, раҳимим келди. Ўзимча бир ёрдам қилай дедим-да:

— Ҳамён ичидаги хужжатмиди, пулмиди? — деб сўрадим русча-ўзбекча аралаш.

— Пул эди, — жавоб берди бояги аёл. — 400 сўм пулим бор эди...

Тўрт юз сўм пул учун бояги болаларнинг кетидан югуриб ўтираманми, деб ўйладим-да, ёнимдан 700

## САНЪАТКОР БИЛАН УЧРАШУВ


Яқинда Й. Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театри актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Саъдуллаева Ургут тумани ички ишлар бўлими ходимлари билан учрашди. Таниқли актриса бой ижоди ҳақида гапириб, ўзи ижро этган Зайнаб, Узукжамол ролларидан монологлар ўқиди. Шундан сўнг хўшовоз хонаида Исқандарбек Султонов ижросида дилбар қўшиқлар янгради.

**Н. ҲАМИДОВА, Самарқанд вилояти.**

## КРОССВОРД

- Бўйига:** 1. Йирик аҳоли пункти. 2. Тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан. 3. ...Арабистони. 4. Қарта уйини. 6. Намат. 8. Дурагай ҳайвон. 10. Лаззат, хузур. 11. Автомобиль тури. 12. Тўнғиз. 13. Қўшиқ. 15. Жунли тери. 16. Ўнғай. 19. ...-дарахт. 20. Автомобиль тури. 22. Қуръон сураси. 23. Хашак қирқадиган асбоб. 24. Авзо. 27. Қўл ёзуви. 28. Ҳусн. 30. Ҳафтанома (газета). 32. Кўрқув. 33. Қишки спорт асбоби. 34. Фуқаро. 36. Қатъий қарор. 38. Россиядаги шаҳар. 41. Миррих. 42. Олмон разведкаси. 44. Чолғу асбоби. 46. Кўпикланувчи илдиз. 47. Бошдаги аъзо. 48. Типратикон. 49. Тандин овқат. 50. Икки томон келишуви. 51. Тўлиқ луғат. 53. Хашак. 56. Кечки пайт. 60. Миллий спорт. 61. Буюк мутафаккир. 62. Қитъа. 63. Сабзавот. 65. Узум ачитқиси. 68. Мадор.

- Энига:** 1. Номус, ор. 3. Газлама тури. 5. ... жўхори. 7. Ҳалоллик. 9. Бетдаги тошма. 12. Ёввойи ҳайвон. 14. ...-дими. 15. Ерга тўкилган бошоқ. 17. Жўжанинг отаси. 18. Намуна. 19. Телевизор нухаси. 21. Кимёвий модда. 23. Бурж. 25. Ҳарбий кема. 26. Озгина (шевада). 29. Дарахт қисми. 31. Буюк шарқ шоири. 33. Матодан қурилган қапа. 35. Рухсат. 37. Кичкина (шевада). 39. Ҳиндистондаги дарё. 40. Чақалоқнинг қирқ кунлик даври. 41. Жумбоқ. 43. Кар. 45. Далил. 46. Жойлик (шевада). 49. Дарс. 52. Алкоголга бой суюқлик. 54. Киноя. 55. Миллат. 57. Кийим этаги. 58. Ёғ. 59. Қарсақ. 63. Қимматбаҳо металл. 64. Суяничқисиз стул. 66. Муболага. 67. Миллий мато. 69. Роҳатбахш. 70. Йиртқич уй ҳайвони. 71. Табиий ёқилғи. 72. Қозоқ шоири. 73. Дарахт.
- Тузувчи: Ф. АБДУЛЛАЕВ.**



- ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СЕНИДА БЕРИЛГАН ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**
1. Банк. 2. Араб. 3. "Наво". 4. Оила. 5. Орол. 6. Арра. 7. Базм. 8. Нома. 9. Нота. 10. "Нола". 11. Гоби. 12. Наби. 13. Алла. 14. Поло. 15. Панж. 16. Бонн. 17. Осло. 18. Сарн. 19. Кола. 20. Гана. 21. Бола. 22. Увол. 23. Орзу. 24. Жанр. 25. Анор. 26. Олим. 27. Икки. 28. Ипак. 29. Инжу. 30. Ланж. 31. Ваза. 32. Зада. 33. Нева. 34. Тери. 35. Моки. 36. Кито. 37. Прая. 38. Умар. 39. Назм. 40. Азот. 41. Обод. 42. Олов. 43. Оташ. 44. Абак. 45. Теша. 46. "Садо". 47. Абад. 48. Зарб. 49. Атом. 50. Баҳо. 51. Лола. 52. Ошиқ. 53. Ноиб. 54. Шоён. 55. Олча. 56. Асал. 57. Раис. 58. Кама. 59. Аҳил. 60. Илон. 61. Қоқи. 62. Олти. 63. Алёр. 64. Арча. 65. Арпа. 66. Рига. 67. Кенг. 68. Елим. 69. Ўтин. 70. Тўқа. 71. Матн. 72. Нақд. 73. Ашир. 74. Шпал. 75. Арфа. 76. Настр. 77. Мола. 78. Того. 79. "Тико". 80. Лима. 81. Дина. 82. "Ироқ". 83. Литр. 84. Ориф. 85. Сабо. 86. "Лада". 87. Гана. 88. Куба. 89. Улоқ. 90. Доно. 91. Торф. 92. Титр. 93. Розн. 94. Обой. 95. Одат. 96. Анод. 97. Бино. 98. Қазн. 99. Қадр.

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

**MANZILIMIZ:**  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

**Bosh muharrir Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir o'rinbosari v.b. **Murod TILLAYEV**

Mas'ul kotib **B. BERDIYEV**  
Navbatchi: **B. TOSHEV**  
Musahhihlar: **M. AKRAMOVA**  
**G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi: **Z. BOLTAYEV**

**TELEFONLAR:**  
Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69.  
Kotibiyat 139-73-88  
muxbirlar bo'limi 139-75-69.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91  
Tel.: 59-23-08

E-mail: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)

Bizning hisob raqamlarimiz «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankingning Mirzo Ulug'bek bo'limi. Hisob raqami: 2021000700447980001, MFO 00421.

- Ko'chirib bosishda «Postda» dan ekanligini ko'rsatish shart
- Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
- Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma G — 945. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00. Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366

40.772 nusxada chop etildi.

**«SHARQ»** nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy. 1, 2, 3, 4, 5, 6.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ангрен шаҳар ИИБ ходими, милиция майори **Эркинбой УМИРЗОҚОВ**нинг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБга қарашли ўқув маркази раҳбарияти ва шахсий таркиби ушбу ўқув марказининг бўлинма бошлиғи, ички хизмат капитани С. Ҳасановга падари бузруқвори **САМАНДАР отанинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия-изҳор этадилар.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Оқ олтин тумани ИИБ жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси катта тезкор вакили, милиция катта лейтенанти **Улугбек ТўЛАНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадilar.